

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

АҲМЕДОВ ДИЛШОДБЕК РУСТАМБЕКОВИЧ

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИНИ
ЧЕКЛАШ СИЁСАТИ
(1917-1929 йиллар)**

Ихтисослик: 5А 220201 «Ўзбекистон тарихи»

Тарих магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

**Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.**

Ўзбекистон тарихи кафедраси

мудири, т.ф.н. доц.

М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ

«__» _____ 2012 й.

Илмий раҳбар:

_____ т.ф.н. доц. М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ

Андижон-2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3-14
1-БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ АГРАР СИЁСАТ ВА УНИНГ МОҲИАТИ	
1.1. Аграр сиёсат стратегияси ва унинг моҳияти	15-26
1.2. Фарғона водийсида йирик ер эгаллигининг тугатилиши	27-42
2-БОБ. ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ДАВРИДА БАДАВЛАТ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ЧЕКЛАНИШИ.	
2.1. Тўқ хўжаликларни сиёсий чеклашнинг меърий-ҳуқуқий асослари	43-53
2.2. “Қулоқ” хўжаликларини иқтисодий чеклаш сиёсати	54-63
2.3. Қишлоқдаги мулкдорлардан ер-мулкларнинг тортиб олиниши	64-70
ХУЛОСА	71-75
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	76-79

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик шароитида ва туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш, миллий ўзлик ва ўзига хосликни яхлит тарзда англаб етган, эркин демократик тафаккурга эга бўлган ва мустақкам миллий ғоя кучи билан бирлашган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда тарих фанининг роли жиддий равишда ортмоқда. Президент И.А.Каримовнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш муаммоларига бағишланган чиқишларида тарих фанининг маънавий салоҳиятини сафарбар этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасидаги ҳаракатларнинг кенг дастури, танланган мустақиллик ва тараққиёт йўлидан бориб, мўлжалланган мақсадларга эришишнинг мустақкам илмий асоси белгилаб берилди.

Кулаган тоталитар тузум даврида «биз мустамлакагина бўлиб қолмай балки, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На чор ҳукумати, на қизил империя салатанати Туркистон халқларининг тараққий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмакон бу ўлка, ҳалол, меҳмондўст халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди»¹.

Президентимизнинг нутқларидан бирида шундай дейилган эди: “Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатиян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний ва холисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар бўлсин – “оқ доғ”ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз”².

Ана шу муҳим ижтимоий вазифалардан келиб чиқиб, ватанимиз тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган саҳифаларига бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади. Уларга мурожаат қилишга бўлган юксак ижтимоий эҳтиёж ва унинг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, совет ҳокимияти йилларида ўтказилган диктаторлик сиёсати оқибатида совет ҳукмронлиги даври тарихи ниҳоятда сохталаштирилиб, бузиб кўрсатилди. Узоқ йиллар мобайнида бизнинг онгимизга коммунистик режимнинг Ўрта Осиёдаги «цивилизаторлик вазифаси» тўғрисидаги, ўлканинг «қолоқ» халқлари марказнинг давлат бошқаруви натижасида гўё зўр муваффақиятларга эришганлиги ҳақидаги афсона астойдил тарғиб қилинди. Лекин бунда совет ҳокимияти амалга оширган сиёсатларнинг салбий моҳияти ҳақида лом-мим дейилмади, кўпгина салбий ҳолатлар хаспўшланиб, ёки сохталаштирилиб кўрсатилди.

Мустақиллик йилларида малакатимиз олимлари мустамлака ўтмишнинг ҳаққоний солномасини яратиш соҳасида муайян ишларни амалга оширдилар. Шундай бўлса ҳам, улар ҳали дарёдан томчи ҳисобланади. Мустамлакачилик зўравонлиги даври тарихи кўп жиҳатдан ҳали «оқ доғлар» ва «қора ўпирилишлар» билан ажралиб туради. Булар жумласига совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган аграр ўзгартиришлари ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг совет даври тарихида сохталаштириб талқин этилган масалалардан бири бу советлар томонидан 1917-1929 йилларда Фарғона водийси қишлоқларида ўтказилган аграр сиёсат унинг оқибатлари мавзусидир. Бу мавзу совет ҳукмронлиги даврида фақат бир тарафлама, коммунистик мафкура талаблари бўйича ёритилди. Бу масаланинг бир қатор зиддиятли, салбий ҳолатлари яшириб ўтилди ёки сохталаштириб талқин қилинди. Хусусан, Туркистон ва Ўзбекистондаги большевиклар ҳокимияти турли “социалистик ўзгартиришлар” ниқоби остида қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришга қадар бир неча бор ўзбек қишлоғининг асрий анаъаналарига путур етказди. Энг ёмони, бу аграр ўзгартиришлар натижасида қишлоқдаги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 173-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 166-бет.

мулкдорлар катлами турли усул ва воситалар билан чеклаб борилди ва охир оқибат тамоман сиқиб чиқарилди. Айнан шу муаммоларни холисона ўрганиш тарихшунослигимиздаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, ўтмиш сабоқларини тўғри таҳлил қилиш бугунги кун муаммоларини ҳам ҳал қилишга, шунингдек, қишлоқ хўжалик иқтисодиётини оқилона ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Мавзунинг долзарблиги яна шу билан изоҳланадики, ер-сув ислоҳоти жараёнида ўзбек қишлоғига хос бўлган тадбиркорлик, мулкка эгалик, меҳнатдан манфаатдорлик хисси каби қадриятлар бўғиб қўйилди ва йўқ қилинди. Ўзбек қишлоғидаги ижтимоий қатламлар орасига ўзаро адоват, душманлик солинди. Совет тузуми йўқ қилиб ташлаган ўзбек қишлоғининг мазкур қадриятларини ҳамда тадбиркор, ишбилармон қатламлари тарихини ўрганиш орқали қишлоқда асрлар давомида шаклланган мулкдорлик хиссини қайта тиклаш уни бугунги кунда ватанимизда кечаётган аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида тадбиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълум маънода мавзунинг долзарблиги тарихшунослигимизда мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш билан ҳам белгиланади. Маълумки, мустақиллик йилларида Фарғона водийсида 1917-1929 йиллардаги аграр ўзгартиришлар даврида мулкдорлар қатламининг тугатилиши ва унинг оқибатлари мавзуси алоҳида диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Айни шу ҳолатдан келиб чиқиб, биз мазкур мавзунинг магистрлик диссертацияси ўрганиш объекти сифатида белгиладик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тарихшунослигида Фарғона водийсида 1917-1929 йилларда амалга оширилган аграр ўзгартиришларнинг баъзи масалаларига доир бир қанча илмий адабиётлар мавжуд. Ушбу асарларни икки гуруҳга – советлар ҳокимияти даврида яратилган ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили кўрсатадики, нашрларнинг катта қисми биринчи гуруҳга мансуб. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги аграр ўзгартиришлар ва ер-сув ислоҳотлари тарихига бағишланган кўплаб илмий ишлар қилинган. Айтиб ўтилганидек, бу асарларнинг барчаси совет даври андозалари асосида, синфийлик назарияси бўйича, яъни коммунистик мафкура ғояси руҳида яратилган. Шу сабабли ҳам тадқиқотчилар масаланинг барча мураккаблиklarини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий баҳо бера олмаганлар. Кўплаб ҳаққоний далиллардан четлаб ўтилган, ислоҳотларнинг салбий жиҳатлари атайлаб яшириб кетилган. Мазкур асарларда тарихий воқелик тўла ва ҳаққоний акс эттирилмаган, воқеа-ҳодисалар ўта сиёсийлаштирилиб кўрсатилган. Қисқача айтганда, коммунистик мафкура таъсири боис, қишлоқдаги «социалистик ўзгартиришлар» кўкка кўтариб мақталган. Қишлоқдаги йирик ер эгалари ва бадавлат, ўзига тўқ хўжаликларнинг тугатилиши, мол-мулкларининг мусодара қилиниши «феодал қолдиқларнинг йўқ қилиниши», «социалистик тузумнинг ғалабаси» сифатида баҳоланган.

Туркистонда большевиклар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин 1918 йилдан эътиборан совет ҳукумати ўлкада аграр ўзгартиришларни ҳам бошлаб юборади. Ер ва сувни национализация қилиш баҳонасида катта ер эгалари ва мулкдорлар қатламига кескин кураш бошланади. Туркистондаги аграр ислоҳотлар миллий давлат чегараланишидан кейин кескин тарзда ўтказилди. Улардан 1925-1929 йиллардаги ислоҳот ўзига хос ўрин тутади.

Ўзбекистондаги 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти республиканинг турли минтақаларида ҳар хил шароитлар туфайли уч босқичда амалга оширилган. 1925-1926 йилларда ислоҳот Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ўтказилди. 1926-1927 йилларда Зарафшон вилоятида, 1928-1929 йилларда эса Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида амалга оширилди.

Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида амалга оширилган аграр ислоҳот масалалари бўйича назарий таҳлиллар 1925 йилларданок матбуотда эълон қилина бошланган. Бу каби тадқиқот ишларидан бири таниқли давлат арбобларидан бири Е.Зелькинанинг 1925 йилдаёқ нашр қилинган «Земельная реформа в Узбекистане» номли

брошюрасидир. Иқтисодий режалар бўйича ёзилган бу брошюрада асосан, ер-сув ислохотининг хусусиятлари ва иқтисодий истиқболлари ҳақида фикрлар баён қилинган.

Ер-сув ислохоти якунлангандан кейин Е.Зелькинанинг Ўрта Осиёдаги аграр масалаларга бағишланган катта бир китоби нашр қилинди¹. Бу асарнинг бир боби Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Зарафшон вилоятларида ўтказилган ислохот натижаларига бағишланган.

Ўзкомпатия марказий комитетнинг биринчи котиби А.Икромовнинг ер-сув ислохоти натижаларига бағишланган брошюраси² ҳам бу масалани ёритиш борасидаги дастлабки ишлардан бири ҳисобланади. Бу брошюрада А.Икромовнинг ЎзКП (б) II съездида (1925 йил ноябрь) қилган доклади ўрин олган бўлиб, унда ислохотдан кўзланган мақсад ва дастлабки иқтисодий режалар баён қилинган. Ўзбекистон совет давлат арбобларининг бу асарлари тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган тадқиқотлар бўлмай, ер-сув ислохоти тажрибалари ва умумий режаларини умумлаштирувчи материаллар эди.

Ер-сув ислохоти тарихи мавзусини тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш 1947 йилдан Ғ.Ризаевнинг бу масалага бағишланган илмий брошюраси³ эълон қилингандан кейин бошланди.

Р.Б.Бобожонованинг 1957 йилда нашр қилинган «Қишлоқдаги оммавий-партиявий ишлар» номли китобида 1917-1929 йиллардаги Фарғона водийсидаги аграр ўзгартиришлар масалалари ҳам қисман ёритиб ўтилган.

1950 йиллардан эътиборан Ўзбекистондаги ер-сув ислохоти масаласи тарихшуносликнинг муҳим ўрганиш объекти сифатида изчил ўрганила бошланди. 1950-1960 йилларда яратилган кўпгина илмий асарларда⁴ Ўзбекистондаги, жумладан Фарғона водийсидаги ер-сув ислохотлари масалалари ёритиб ўтилди. Бу асарлар ичида Р.Х.Аминованинг асарлари муҳим аҳамиятга эга⁵. Чунки олима ўз асарларида асосан Ўзбекистондаги аграр ўзгаришлар тарихини алоҳида мавзу сифатида чуқур таҳлил қилган. 1950-1960 йилларда ер-сув ислохоти масалалари турли илмий конференция ва сессия материалларида ҳам ёритиб борилди⁶.

Ўзбекистондаги, жумладан, Фарғона водийсидаги ер-сув ислохотининг ўтказилиши ва унинг натижалари Л.З.Кунакованинг асарларида совет андозалари асосида батафсил ўрганилган⁷. Тадқиқотчи биринчи китобида Фарғона водийсида ўтказилган ер-сув ислохоти ва унинг ўзига хос хусусиятларини ва ижобий натижаларини таҳлил қилган. Иккинчи китобда эса бутун Ўзбекистонда 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохоти масалалари умумий ҳолатда ўрганилган. Бу икала асарда мавзуга алоқадор кўплаб манбалар ўрганилиб биринчи бор илмий истеъмолга киритилган.

Ўзбекистондаги ер-сув ислохоти масалалари фақат тарихчилар томонидангина эмас, балки иқтисодчилар томонидан ҳам ўрганилган. Бундай асарлардан бири О.Б.Жамоловнинг монографияси⁸ бўлиб, унда ёппасига жамоалаштириш арафасидаги республика қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ҳолат тадқиқ этилган. Монографиянинг

¹ Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М.: 1930.

² Икромов А. Итоги земельной реформы и перспективы её закрепления. – Ташкент: 1926.

³ Ризаев Г. Краткий очерк земельно-водная реформы в Узбекистане. – Ташкент: 1947.

⁴ История гражданской войны в Узбекистане. Т.1. –Ташкент: 1964; Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. – Ташкент: 1957; Зевельев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент: 1957; Иноятов Х.Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – М.: 1958.

⁵ Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане 1917-1920 гг. – Ташкент: 1963; Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. – Ташкент: 1965.

⁶ Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана (эпоха социализма). – Алма-ата: 1958.

⁷ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) – Ош: 1962; Ўша муаллиф. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) – Фрунзе: Мектеп, 1967.

⁸ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Ташкент: 1950.

иккита бобида 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти даврида ўзбек қишлоғида рўй берган иқтисодий ўзгаришлар таҳлил қилинган ва бу масала бўйича кўпгина умумлаштирилган фактик маълумотлар келтириб ўтилган.

1960-1970 йилларда бир қанча фундаментал ва алоҳида нашрлар ҳам нашр этилди¹. Бу нашрларда ҳам Ўзбекистондаги аграр ислоҳотлар ва унинг натижалари коммунистик мафкура ғоялари асосида талқин қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг советлар ҳукмронлиги давридаги аграр ўзгартиришлар ҳақида бор ҳақиқатни очиқ-ошқора айтиш имконияти пайдо бўлди. Республиканинг мустақил суверен тараққиёт йўлига ўтиши, ягона ҳукмрон мафкура таъсиридан бутунлай ҳалос бўлиб миллий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун соғлом вазиятни юзага келтирди.

Истиклол йилларида советлар ҳокимияти йилларидаги аграр ислоҳотлар мавзуга доир тадқиқотлар ва адабиётларнинг иккинчи гуруҳига кирувчи услуб ва сифат жиҳатдан аввалгилардан тамоман фарқ қилувчи дарслик, мақола ва рисолалар яратилди². Бу асарларда Ўзбекистонда амалга оширилган аграр ислоҳотларнинг турли жиҳатлари ҳолисона, ҳар тарафлама ёритиб берилди, унинг салбий томонлари ҳақида ҳам биринчи бор фикрлар илгари сурилди.

Аграр ислоҳотлар тарихига танқидий баҳо берилган, бу сиёсатнинг барча жиҳатлари ёритиб ўтилган монографиялардан бири таниқли тарихчи олим А.А.Головановнинг «Ўзбекистон деҳқончилиги: ижтимоий ҳолат эволюцияси. 1917-1937 йиллар» номли асари ҳисобланади. Асарда 1917-1937 йилларда ўзбек қишлоғидаги ижтимоий ҳолат ва унда юз берган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Унда Ўзбекистондаги 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти ва унинг натижалари масаласига ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, ер-сув ислоҳотининг асл моҳияти, совет давлатининг ислоҳотидан кўзлаган мақсадлари, ўтказилган ислоҳотнинг натижалари хусусида илмий-назарий фикрлар илгари сурилган. Ислоҳотнинг ўзбек қишлоғида юзага келтирган салбий оқибатлари ҳақида кўплаб фактик маълумотлар келтирилган.

Р.Шамсутдинов, Ш.Каримовлар қаламига мансуб олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган ўқув қўлланмада ҳам 1917-1929 йиллардаги қишлоқлар аҳволи ва аграр ислоҳотлар масаласига тамоман янгича методология бўйича ёндошилган, бу асарларда ҳам большевикларнинг аграр ислоҳотининг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий оқибатлари ҳам далиллар асосида кўрсатиб берилган³.

2000 йилда нашр қилинган катта ҳажмдаги фундаментал тадқиқот ишида⁴ ҳам Ўзбекистондаги советлар амалга оширган қишлоқдаги “аграр инқилоб” масаласига янгича қарашлар асосида баҳо берилган. Муаллифлар бу масала бўйича ҳаққоний хулосаларга келиб, аграр ислоҳотлар давомида тўқ хўжаликлардан мусодара қилинган ерлар ва мол-мулклар тоталитар давлат қўлида жамланганлиги, жамланган ерларнинг озгина қисмигина ерга муҳтож деҳқонларга берилганлиги, қолган ерлар колхоз-совхозлар ихтиёрига берилганлигини рўйи-рост, далиллар асосида кўрсатиб ўтганлар. Шунингдек, асарда ислоҳот жараёнида кўплаб тўқ хўжаликлар асоссиз равишда қатағон қилинганлиги ва унинг қишлоқ хўжалиги ривожига салбий таъсири ҳақида фикрларни илгари сурганлар.

¹ Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 1970; Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. –Т.: Фан, 1971; История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. – Ташкент: 1962; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент: 1964. ва бошқалар.

² Аминова Р.Х. Коллективизация: как это было? –«Коммунист Узбекистана», 1991. №9; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: Фан, 1992; Р.Ё.Ражапова ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1994; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. – Андижон: Мерос, 1998., ва бошқалар.

³ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). Uchinchi kitob. To'ldirilgan, qayta ishlangan ikkinchi nashri. – Т.: SHARQ, 2010.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000.

Муаллифлар жамоаси ер-сув ислоҳоти бўйича умумий хулосага келиб ёзганларидек, бу ислоҳот Ўзбекистонда ўтказилажак коллективлаштириш учун моддий шарт-шароит яратишга асос вазифасини бажарган.

Таниқли тарихчи олим Р.Т. Шамсутдиновнинг 2001 йилда яратилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва «қулоқлаштириш» тарихига бағишланган монографиясида ҳам Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти, унинг моҳияти, оқибатлари масаласида ҳам қатор назарий фикрлар илгари сурилган, бу масала бўйича кўпгина архив маълумотлари умумлаштирилган ҳолда илмий истеъмолга олиб кирилган¹. Асарда айниқса Фарғона водийсида “қулоқ” хўжаликларининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чекланишига доир муҳим маълумотлар ўрин олган.

Тарих фанлари номзоди, доцент М.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида² ҳам мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Умуман мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги, жумладан Фарғона водийсидаги советлар томонидан амалга оширилган аграр ўзгартиришлар муаммосини ҳаққоний ўрганиш бўйича янги методология шаклланиб бормоқда. Бу яхлит мавзу бўйича янги руҳдаги тадқиқотлар эндигина яратилмоқда. Мавзуга доир илмий тадқиқотларнинг тарихшунослик бўйича таҳлили кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондаги, хусусан Фарғона водийсидаги аграр ўзгартиришлар ва унинг оқибатлари масаласи халигача янги методология асосида тўла-тўқис ўрганилмаган ҳамда алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида диссертацион изланиш объекти бўлмаган. Бу ҳол бизни «Совет ҳокимиятининг Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида мулкдорлар қатламини чеклаш сиёсати (1917-1929 йиллар)» мавзусини магистрлик диссертацияси даражасида ўрганишга ундади.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқ этилаётган мавзунинг муҳимлиги ва долзарблиги, ўрганилиш даражасидан келиб чиқиб, янги илмий адабиётлар ва архив ҳужжатларини таҳлил этиш асосида миллий истиқлол ғояси талабларидан келиб чиқиб, Фарғона водийси қишлоқларида совет ҳукумати томонидан 1917-1929 йилларда амалга оширилган мулкдорлар қатламини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва бу асосда айрим назарий хулосалар беришдан иборат мақсад белгиланди.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим деб топилди:

- Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда амалга оширган аграр ўзгартиришлар ва уларнинг моҳиятини ёритиш;

Аграр ўзгартиришларнинг стратегияси ва асл мақсадларни кўрсатиб ўтиш;

- Фарғона водийсида йирик ер эгаллигини тугатиш жараёнини очиб бериш;

- ер-сув ислоҳоти даврида “қулоқ” хўжаликларига нисбатан олиб борилган сиёсий ва иқтисодий чеклаш чораларини очиб кўрсатиш;

- тўқ хўжаликларнинг ер-сув ислоҳотига қарши кўрсатган норозиликларини ёритиш;

- ер-сув ислоҳоти давомида тўқ хўжаликларнинг тугатилиш жараёнларини ёритиш;

- ўрганилган материалларни назарий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда тадқиқотнинг илмий хулосаларига таяниб бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида мулкдорлар қатлами деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш борасида қилинаётган ишларга амалий тавсиялар бериш.

Диссертациянинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, мазкур тадқиқот мавзусининг биринчи умумлаштирилган илмий изланишдан иборатлигидир. Тадқиқотда миллий истиқлол мафқураси ва ҳозирги замон назарий-услубий талаблари нуқтаи назаридан Фарғона водийсида 1917-1929 йилларда мулкдорлар қатламини чеклаш

¹ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати қва унинг фожиали оқибатлари. – Т.: Шарк, 2001.

² Абдуллаев М.Г. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар). – Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: 2002.

жараёнлари ва унинг оқибатлари тамоман янги манбалар асосида тадқиқ қилинади. Ҳозиргача нашр этилган мавзуга алоқадор адабиётларда бу муаммонинг фақат айрим томонларигина ёритиб ўтилган ҳолос.

Ушбу магистрлик диссертацияси аввало ўрганилган масалага янгича ёндошилганлиги билан фарқланади ҳамда масаланинг умумий ва хусусий томонларини алоҳида бир мавзу сифатида тадқиқ этилиши билан характерланади. Мазкур диссертацияни тайёрлаш натижасида эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий қадриятларни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда хал этилди;

-совет ҳукуматининг аграр ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги хатоликлари, тўқ хўжаликларни тугатиш, фаолиятини чеклаш борасида қилган зўравонликлари ва қатағончилик усуллари далиллар асосида кўрсатиб берилди;

-ер-сув ислохотидан кейинги Фарғона водийси қишлоқ хўжалигидаги умумий аҳвол ва ислохотнинг оқибатлари ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида эришилган илмий изланишлар натижалари амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Диссертацияни тайёрлаш натижасида жамланган маълумотлар, хулосалар ва назарий умумлаштиришлар Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида ўтказилган аграр ислохотлар тарихини атрофлича ўрганишга имкон беради. Айрим назарий хулосалар мазкур масалани тадқиқ этишда янги босқич бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Диссертациянинг хулосалари, баён этилган амалий тавсиялар иқтисодиётнинг аграр секторида ишбилармон, тадбиркор деҳқонлари қатлами фаолиятини такомиллаштиришда фойдаси тегиши мумкин.

3. Диссертацияда жамланган маълумотлардан, назарий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида, ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

4. Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда, Ватан тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда диссертациянинг назарий хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг назарий-методологик асослари. Диссертацияда Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафқурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Совет тузуми давридаги тарихий воқеа, ходисаларни ўрганишнинг хато методологик асосидан воз кечиб, унинг асосий принциплари бўлган партиявийлик, синфийлик кабилардан йироқлашиб, уларни инкор этишга ҳаракат қилинди. Айни пайтда тадқиқот ишида ўрганилган масалани тўғри хал этишда илмий билишнинг холислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафқуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг манба базасини асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Андижон вилоят давлат архиви, Фарғона вилоят давлат архиви ҳужжатлари, Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислохотига бағишланган статистик маълумотномалар, ҳужжатлар тўпламлари материаллари ташкил этади.

Диссертацияда келтирилган ер-сув ислохоти ва унинг натижаларига доир архив маълумотлари илмий раҳбарим тарих фанлар номзоди, доцент М.Ғ.Абдуллаев тақдим этган ҳужжат кўчирмалари асосида фойдаланилди. Кўрсатган бу ёрдами учун М.Абдуллаевга ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтаман.

Магистрлик диссертациясининг манба базасига кирувчи адабиётларнинг салмоқли қисмини советлар ҳукмронлиги даврида нашр қилинган, коммунистик мафкура ғояси ва руҳидаги асарлар ташкил этади. Бу асарлар танқидий жиҳатдан ўрганилди, статистик маълумотларни таққослаш, умумлаштириш нуқтаи назаридан фойдаланилди. Бу асарлар компартия мафкураси ва қолипида яратилганига қарамай бир қанча маълумотларни, советларнинг аграр сиёсатига боғлиқ бўлган кўпгина ҳужжатларни ўзида мужассамлаштирган.

1-БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ АГРАР СИЁСАТ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Аграр сиёсат стратегияси ва унинг моҳияти

Ўзбекистоннинг 1925 йилдан кейинги босиб ўтган йўли собиқ иттифоқ ҳамда республика компартияси фаолияти билан боғлиқ. Совет иттифоқи коммунистик партиясининг филиали ва ижрочиси бўлган Ўзбекистон ССР партия ташкилоти 1920-1930 йилларда большевиклар доҳийси Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган, аммо амалга ошмайдиган социализм қуриш режасини ҳаётга татбиқ этиш йўлидан борди.

1917 йилги октябрь тўнтариши ҳаётда шундай жараёни юзага келтирдик, бу ўзбек деҳқонининг ҳам ижтимоий кўринишини тамоман ўзгартириб юборди. Октябр тўнтариши Ўрта Осиёда асрлар оша шаклланиб келган аграр соҳадаги мулкий муносабатларнинг барҳам топишига, ер ва сув ресурсларини қайта тақсимланишига замин тайёрлади. Большевиклар раҳбарияти ҳукмронлик манфаатларидан келиб чиқиб, октябр тўнтаришидан кейинги дастлабки кунлардан бошлаб ватан қишлоқ хўжалигига нисбатан қўлланган чор Россияси ҳукмронлиги давридаги истеъмолчилик муносабатини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатини аямади ва маҳаллий деҳқонлар кучидан шафқатсиз фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб берган «социалистик аграр ишлаб чиқариш»нинг марксча андозасини зўравонлик билан жорий қилиш чораларини кўрди.

Бутун диққат-эътибор аввало халқнинг асосий бойлиги бўлган ерни қўлга киритишга қаратилди. Давлатнинг ерга эгалик қилишини қарор топтиришнинг советларга хос шакли аслида чор ҳукуматининг бу борадаги сиёсатини бошқача кўринишда такрорлашдан иборат эди. Бироқ, большевиклар империяча асосларни чуқурлаштириб, ундан ҳам ўзиб кетдилар. Совет аграр сиёсати аввал бошданок миллий жиҳатларни, маҳаллий аҳолининг туб негизларини, Ўрта Осиёдаги ер тузилишининг қарор топган ўзига хос хусусиятларини инкор қилди. Совет Россиясининг, кейинроқ эса СССРнинг коммунистик раҳнамолари нуқул марксизмнинг назарий йўл йўриқлари ва буюк давлатчилик тафаккури фалсафага амал қилиб, Ўзбекистонни миллий камситиш ва мустамлака асоратида сақлашдан иборат умумий стратегия руҳидаги аграр йўлни қатъий амалга ошириб келдилар.

Ўзбек қишлоқларини қайта қуришдан иборат мустамлака– мустабидча андозанинг советларга хос шаклини вужудга келтириш соҳасидаги дастлабки ҳаракатлардан бири - ерни умумийлаштириш чоралари бўлди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларда бўлганидек, бу ҳаракат хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш воситасида амалга оширилди, лекин у хўжалик юритишнинг шундай тизими билан тўлдирилдики, бу тизим марказнинг аграр соҳани танҳо ўзи бошқаришини осонлаштирди.¹

Халққа қарши қаратилган ҳаракатларни «халқ тўғрисида муттасил ғамхўрлик» деган дабдабали сафсата пардаси билан ниқоблаш тактикасига содиқ қолган большевик ҳукмдорлар ер-мулкни социалистик давлатлаштириш дастурини жадал жорий этиш учун «жамият мулкига айлантириш» атамасидан фойдаландилар. Бу нарса ерни мажбуран ўзлаштиришни такозо этар эди.

¹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойлиқларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т., «Шарқ», 2000. 207-208-бетлар.

Миллий-худудий чегараланишдан кейин Ўзбекистонда аграр ўзгаришларнинг янги бошқичи бошланди. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқати бўлган аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотни қарийб 80 фоизини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Бундай шароитда аграр ислохотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

1921-1922 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ерсиз ва кам ерли деҳқонлар масаласини ва тақсимотини тўла ҳал қилмади. Бу ислохот асосан ўлкадаги рус деҳқонлари билан маҳаллий деҳқонлар ихтиёридаги ерларни бараварлаштириш масаласига қаратилган эди. Қисқача айтганда, 1921-1922 йиллардаги аграр ислохот чор Россияси мустамлакачилик тартиблари асосларини тугатди. Бирок, ўлкада кўп ерлилик ва кам ерлилик сақланиб қолаверди.

20 йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволида бир оз силжишларга эришилди. Сабаби, янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан деҳқонлар эркинроқ нафас олаётган эди. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнатқашларига ортиқча маҳсулотларини сотиш, қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш имконини берди. Натижада деҳқон хўжаликларини товар билан таъминланиши ошди, аҳолини турмуш даражаси бирмунча кўтарилди.

Қишлоқ хўжалигининг юксалишини таъминлашда иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа воситалари ҳам қўлланди, булар қатъий валютанинг жорий этилиши, қарз беришнинг янги тартибини белгиланиши, деҳқонларга давлат томонидан қарз беришни камайтириш, имтиёзлар белгиланиши, қишлоқ кооперациясининг авж олдирилишидан иборат эди.

Янги иқтисодий сиёсат пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Лекин бу ўзгаришлар чекланган тарзда эди. Туркистонлик кўпгина арбоблар пахтачиликда давлат монополиясини тугатиш зарурлигини бир неча бор кўтариб чиққан эдилар. Мазкур монополия пахтачиликда рақобат ва соғлом товар-пул муносабатларининг намоён бўлиш имкониятларига тўсиқ бўларди. Янгича иқтисодий йўл мантиғи гарчи қийинчилик билан бўлсада, одатдаги маъмурий-буйруқбозлик воситалари «заҳираси»ни қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. 1923 йил январда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда: «Республика ичида пахтани харид қилиш давлат монополияси бекор қилинсин»¹, деб кўрсатиб ўтилган эди. Шу билан бир вақтда пахтанинг қатъий нархи бекор қилинди, чунки у пахта етиштириш ҳаражатларини қопламас эди. Пахтакорларни товарлар билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Уларга ёлланма меҳнатдан фойдаланишга руҳсат этилди, улар сув билан биринчи навбатда таъмин этиладиган бўлди, от-улов солиғидан, камкувватли хўжаликлар озиқ-овқат солиғидан озод қилинди. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг кайфиятида, уларнинг кўпроқ пахта етиштиришга бўлган интилишида ўзгаришлар бўлишига олиб келди².

Туркистон қишлоқ хўжалигини тиклашда ва янада ривожлантиришда кооперация сезиларли роль ўйнади. У ўн минглаб алоҳида майда деҳқон хўжаликлари билан саноат ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатиши, меҳнат унумдорлигини оширишга, деҳқонларнинг моддий аҳволини яхшилашга, давлат корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлашга ёрдам бериши зарур эди. Кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалигида устувор ривожланишга эга бўлди. Шу билан бирга дастлабки йилларда Туркистон Автоном Республикасида кредит кооперацияси анча кенгроқ оммалашди. Шуни ҳам айтиш керакки, Туркистон қишлоқларида қарз бериш муаммоси заиф соҳалардан эди. Бу ерда бой-судхўрлик ва савдо капитали асосий мавқени эгаллар эди. Ундан 1921-1922 йилларда

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992. стр. 76.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 185-бет.

деҳқонларнинг 80-90 фоизи қарз олди. Давлат йўли билан кредит бериш деҳқон хўжаликларининг фақат 15-20 фоизини таъминлар эди¹. Бундан аҳвол шу нарсага имкон бердики, ҳақиқатда монополист бўлиб қолган хусусий капитал кредит тўлашнинг ҳаддан ташқари юқори миқдорини белгилай оларди.

Ҳокимият тузилмаларининг фикрига кўра, кредит кооперацияси судхўрлик капиталини сиқиб чиқаришда давлатга анча самарали таъсир кўрсатиш имконини берарди. Бу кооперациянинг шаклларида бири кредит ва ссуда-омонат ширкатлари бўлди. 1923 йилда уларнинг сони 275 та эди. Шу билан бир қаторда қишлоқ аҳолисига қарз бериш қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали ҳам амалга оширилди эди, бу кооперация 1924 йилда қишлоқ аҳлига кредит беришда етакчи ўринни эгаллаган эди. Масалан, у пахтани кредит билан контракция қилиш соҳасида давлат билан пахтакорлар ўртасидаги бирдан-бир воситага айланиб қолди. Натижада, қайд қилинган даврда хусусий сектор хиссасига барча тайёрланган пахтанинг қарийб 3 фоизи тўғри келди холос. Бошқача айтганда, битта монополия бошқаси билан алмашди.

Туркистон қишлоқларида кооператив ҳаракатнинг ривожланишида 1923 йилда ташкил этилган қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш кўмитаси катта роль ўйнади. Бу кўмита фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ хўжалик ширкатларининг ташкил этилиши бўлди. Улар қишлоқ хўжалик кооперациясининг бошланғич шакли эди. Ўз таркибий тузилишига кўра унчалик мураккаб эмасди ва шу сабабдан деҳқонларнинг камбағал қатламларига анча тушунарли эди. 1923 йилнинг ўрталарига келиб бундай ширкатлардан 246 таси иш бошлаган эди. Улар аграр ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига хизмат кўрсатарди. Уларнинг кўпроқ қисми пахтачиликни ҳам қамраб олганди.

Қишлоқ хўжалик ширкатлари билан бир қаторда Туркистонда кооперацияларнинг бошқа турлари ҳам оммалашган эди. Чунончи, 1923 йилда республикада ҳар хил турдаги 877 та кооператив мавжуд бўлиб, уларга 288,1 минг киши аъзо эди. Улар орасида 259 таси матбуот кооперативлари бўлиб, 155,5 минг кишини таъминларди. 346 таси қишлоқ хўжалик кооперативлари бўлиб, улар 128,9 минг кишини, 199 таси хунармандчилик кооперативи бўлиб, улар 3,3 минг кишини бирлаштирган эди. 1924 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари сони ортиб, 910 тага етди. Натижада кооператив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланиб қолди. Айниқса, пахтачиликда уларнинг аҳамияти катта бўлди. 1924 йилда кооператорлар умумий пахта майдонларининг 92,6 фоизига чигит эккан эдилар².

Бирок, кооператив ҳаракатида муваффақиятлар билан бир қаторда унинг қудратли имкониятларидан тўла фойдаланилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бунга ҳам қисман бўлсада, иқтисодиётнинг мафкуралашганлиги сабаб бўлди. Улар кредитлар бериш ва кооперативларга аъзолар қабул қилиш масалаларида яққол кўзга ташланди. Ҳар кимни ҳам кооперативга қабул қилавермасди. Синфий танлов мавжуд эди. Камбағалларга устуворлик бериларди.

Аграр соҳадаги бирмунча илгари силжишларга қарамай, қишлоқ хўжалигини тиклашга доир асосий масалалар ҳали ечилмаган, вазият мураккаблигича қолаётган эди. 1924 йилда деҳқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7 фоизинигина ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2 фоизини ташкил этарди³.

Қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор омилларидан бири ўша даврда кенг миқёсли аграр ислохотни авж олдиришдан иборат эди. Уни амалга оширишнинг зарурлигини вужудга келган муаммоларининг кескинлиги тақозо қиларди. Чунки, ўлкада хануз ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин

¹ ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 1271-иш, 5-варақ.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 187-бет.

³ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Госиздат УзССР, 1950. стр. 15.

экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8 фоизни ташкил этарди¹. Бу даврда ўзбек қишлоғида камбағал деҳқонлар аҳолининг аксарият қисмини ташкил этарди. 1925 йилда ўртаҳол деҳқонлар кам ерли деҳқонларга нисбатан 2-3 барабар кам эди. 1926 йилда Зарафшон ва Фарғона областларида 52 фоиз хўжалик бир десятинадан ҳам оз ерга эга бўлган. Зарафшон области бўйича 2 десятинадан оз ерга эга бўлган хўжаликлар 54 фоизни, Тошкент ва Самарқанд областлари бўйича эса 42 фоиз хўжаликни ташкил қилган².

Ўзбекистон қишлоқлари ўзига хос майда ва тарқоқ ер участкаларига бўлинганлиги билан ҳам ажралиб турарди. Майда деҳқон хўжаликлари асосан азалдан суғориладиган кичик худудларда, кўпроқ Фарғона водийсида, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм вилоятларида тўпланган эди. Фарғона водийсидаги деҳқон хўжаликларига тегишли ер участкаларининг 25 фоизи қўшни қишлоқларда жойлашган эди. Бу ерларнинг ярми бошқа волост қишлоқлари худудида бўлган. Зарафшон областида ўртача 1 та хўжаликка 2,5 та ер участкаси, Хоразмда ўртача 1,5 участка тўғри келган. Ер эгалигининг бундай шакли ҳам муайян қийинчиликларни вужудга келтирган. Чунки, деҳқон хўжаликлари гоҳ у қишлоқдаги чек ерига, гоҳ бу қишлоқдаги ерига қатнаб деҳқончилик қилиши уларнинг кўп вақтини оларди. Айниқса, экинларни суғориш пайтида ёки ерни шудгор қилиш вақтида деҳқонларга кўшимча машаққат бўларди. Ер участкаларининг бундай тарқоқ ҳолда жойлашганлиги бу каби майда ерларнинг охири-оқибатда айрим бой-бадавлат кишилар қўлида тўпланиб боришига шароит яратиб берган эди. Чунки, кўп ҳолларда у қишлоқдан бу қишлоққа қатнашдан безор бўлган деҳқонлар ўз участкаларини бойларга арзон-гаров сотиб юборишга мажбур бўлардилар³.

Деҳқончиликнинг суғоришга асосланганлиги ҳам маълум мураккабликларни юзага келтирар эди. Фарғона, Тошкент, Зарафшон, Хоразм областларида деярли барча деҳқончилик ерлари суғориладиган ерлар эди. Сурхондарё областида суғориладиган ерлар 67,6 фоизни, Самарқанд областида 67,4 фоизни, Қашқадарё областида 59,3 фоизни ташкил этарди. Республика бўйича суғориладиган ерлар барча экин майдонларининг 87 фоизини ташкил этган. Суғорма деҳқончилик хўжаликларидан жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни тақозо этарди. Чунки, суғориш тармоқларини, яъни ариқлар ва каналларни мунтазам тозалаб туриш, зарур жойларда тўғон ва дамбалар қуриш, уларни таъмирлаш каби ишлар жуда катта ишчи кучини талаб этган⁴.

Агротехниканинг ўта оддийлиги, ирригация тизимининг танг ҳолатдалиги, маблағларнинг камлиги, янги ерларни жадал ўзлаштириш имконини бермаган эди. Буларнинг ҳаммаси ер масаласининг кескинлашувига олиб келди.

Хўжаликларнинг ижтимоий таркиби таҳлили кўрсатардики, иккинчи ер ислоҳоти арафасида Ўзбекистонда унумдор ерларнинг 30 фоиздан кўпроқ қисми «бой-қулоқлар» тасарруфида эди. Чунончи, Фарғона областида қулоқ ва майда помешчик хўжаликлари 39 фоиз ерга эгалик қилар эди. Самарқанд областида эса барча ерларнинг 32,7 фоизи қулоқ ва майда помешчиклар қўлида эди. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шу кўринишда эди.

Кўп ерлилар билан кам ерлилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ижара асосига қурилар эди. Кам ерли деҳқонлар, мардикор ва чорикорлар ерни ва иш қуролларини ижарага олишар эди. Яъни, бу даврда 2 десятина ери бор хўжаликлар ҳам қўшимча ижарага ер олишга мажбур бўлган.

Ўзбекистоннинг деҳқончилик районларида, айниқса, пахта экиладиган Фарғона области, Хўжанд, Мирзачўл, Пойарик, Дамарик, Ғиждувон ва бошқа баъзи бир районларда ижара муносабатлари жуда ҳам ривож топган эди. Улушбай ижараси кенг

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992. стр. 84.

² ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 1-варак.

³ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Госиздат УзССР, 1950. стр. 37-38.

⁴ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) Фрунзе, «Мектеп», 1967. стр. 59.

тарқалган бўлиб, айниқса Фарғона областида устунлик қилар эди. Бу вилоятда 3 десятинагача ери бўлган деҳқонлар одатда йирик ер эгаларидан улушбай ижара олишга мажбур эдилар. Айни бир вақтда 7 десятинадан ортиқ чек ери бўлган хўжаликлар ижарага ер берар эдилар.

1925 йилда Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида хайдаладиган ерларнинг 80 фоизи ижарага берилган. Қишлоқларда яшовчи йирик ер эгалари ўз ерларининг 95 фоизини, шаҳарларда яшовчи савдогарлар эса деярли барча ерларни ерсиз ёки кам ерли деҳқонларга ижарага берганлар. Бу ҳол ўз даврида «меҳнат қилмасдан даромад топиш», «бой-қулоқлар томонидан камбағал деҳқонларни эксплуатация қилиш» деб баҳоланган.

Ижарага ер олувчиларнинг кўпчилигини кам ерли деҳқонлар ташкил қилган. Чунончи, Қашқадарё вилояти Китоб волостида ижарага ер олувчи деҳқонларнинг 78,5 фоизини 1,3 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ташкил қилган бўлса, Хоразм вилояти ижарачиларининг 59 фоизида 2 десятинагача ер бўлган.

Ўзбекистоннинг барча туманларида ер, от-улов ва асбоб-ускуналарни асосан камбағал деҳқонлар ва кам қувватли ўртаҳол деҳқонларнинг аксарият қисми ижарага оларди. 1925 йилдаги статистик таҳлилларга кўра, бу йилда республикадаги деҳқон хўжаликларининг 29,2 фоизида иш ҳайвонлари йўқ бўлган. Бу ҳолат вилоятлар бўйича куйидагича эди: Фарғона вилоятида 45,6 фоиз, Самарқанд вилоятида 27,5 фоиз, Тошкент вилоятида 26,4 фоиз, Хоразм вилоятида 13,8 фоиз, Қашқадарё вилоятида 7,7 фоиз, Зарафшон вилоятида 7,2 фоиз хўжаликларда иш ҳайвонлари бўлмаган¹. Кўриниб турганидек, иш ҳайвони бўлмаган хўжаликлар асосан пахта етиштириладиган вилоятларда кўпчиликни ташкил қилган. Бунинг сабабларидан бири, пахтачилик вилоятларида ерга асосан пахта экилганлиги учун, деҳқон хўжаликларида иш ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлашдаги қийинчиликлар билан изоҳланади.

1925 йилда иш ҳайвонларининг асосий қисми маълум табақа кишилар қўлида, яъни катта ер эгалари қўлида тўпланган эди. Бу йилларда 10 десятинадан ортиқ ерга эга бўлган хўжаликларнинг 50 фоизидан кўпроғида 4-5 тадан иш ҳайвонлари бўлган.

«Помешчик-бой» хўжаликлари тасарруфида иш ҳайвонлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг катта қисми ҳам тўпланган эди. Ер-сув ислоҳоти арафасида республикада асосий қишлоқ хўжалик асбоблари омов, кетмон, ўроқ ва мола эди. Хатто мана шу содда қишлоқ хўжалик асбоблари ҳам кўпгина деҳқон хўжаликларида йўқ эди. Масалан, 1925 йилдаги таҳлилга кўра, Самарқанд вилоятида омовчи бўлмаган хўжаликлар 54,8 фоизни, Тошкент вилоятида 43,6 фоизни, Фарғона вилоятида 35,2 фоизни, Зарафшон вилоятида 12 фоизни ташкил этган. Айрим жойларда бу фоизлар янада кўпроқни ташкил этган. Масалан, Фарғона вилояти, Балиқчи волостидаги Тулкиобод қишлоғида омовчи йўқ хўжаликлар 91,2 фоизни, Қумтепа қишлоғида 76,3 фоизни, Хўжаобод қишлоғида 66,4 фоизни ташкил қилган².

Қишлоқ хўжалик асбоблари бўлмаган хўжаликлар зарур асбобларни ҳам ижарага олганлар. Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида барча деҳқон хўжаликларининг 25 фоизи қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ижарага олиб ишлатганлар. Ижара шартлари турли кўринишларда бўлган, яъни фойдаланиш эвазига етиштирилган хосилнинг маълум бир қисмини асбоб эгасига бериш ёки асбоб эгасининг ерида ишлаб бериш ва хоказо.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турганидек, ер-сув ислоҳоти арафасида Ўзбекистондаги деҳқон хўжаликларининг катта қисми ерсиз ёки кам ерли шунингдек, иш ҳайвонлари ҳамда иш қуролларига муҳтож бўлган. Улар бу нарсаларни ижарага олишга мажбур бўлганлар, охир-оқибатда республикада чорикорлик муносабатлари кенг ёйилган.

Чорикорлар ер эгасидан маълум ер бўлагини ижарага олиб, унга ўз кучи, иш ҳайвони ва асбоб-ускуналари билан ишлов бериб хосил етиштирган ва етиштирилган хосилнинг маълум бир келишилган қисмини ўзига олган.

¹ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане. 59-60-бетлар.

² Ўша асар. 61-бет.

Айрим чорикорлар ер билан иш хайвони, иш қуроллари ва турар жойни ҳам ижарага олганлар. Бундай ҳолларда чорикор етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бир қисмини ўзида қолдирган, ҳолос. Ҳосилнинг асосий қисми ер эгасининг қўлида қолган. 1923-1925 йилларда ҳукумат ўлкадаги чорикорлик муносабатларини бирмунча чеклашга доир қонунлар ишлаб чиқди. Бу даврда етиштирилган ҳосилнинг чорикорга тегадиган қисми кўпайиб борди. Агар 1915 йилда 51,6 фоиз чорикорлар ҳосилнинг ярмини ер эгасига берган бўлсалар, 1925 йилда бундай чорикорлар миқдори 31,5 фоизга қисқарди. Лекин бунга қарамай чорикорлар турмуш даражасининг ночорлиги сақланиб келмоқда эди. Чорикорлар ихтиёрида қоладиган ҳосил кўп ҳолларда уларнинг эҳтиёжлари учун етмас эди. Бундай шароитда улар қарзга ботиб қоладилар.

Давлат бу даврда барча деҳқон хўжалиklarини, шунингдек чорикорларни кредит билан таъминлаш имконига эга эмас эди. Шу боисдан пулга муҳтож деҳқонлар асосан, бой-бадавлат кишилардан оғир шартлар эвазига қарзга пул олардилар. Қишлоқларда муҳтож кишиларга қарз берувчи судхўрлар бўлган. 1925-1926 йилларда Фарғона вилояти Асака волостидаги деҳқонларнинг 52,3 фоизи хусусий кишилардан қарз олганлар. Деҳқонлар олган қарзлари эвазига жуда катта фоиз тўлаганлар. Қарзлар фоизи Ўзбекистоннинг айрим жойларида 120 дан 225 фоизгача бўлган. Хусусий шахслардан олинadиган натурал кредит шартлари бундан ҳам оғирроқ бўлган.

Хуллас, чорикорлик муносабатларининг кенг ёйилганлиги қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда эди. Бу ўлкада аграр соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири эди.

Камбағал деҳқонлар ва бадавлат деҳқонлар ўртасида большевик маъмурлар томонидан атайлаб авж олдирилган синфий қарама-қаршилик танглигининг янада кучайишига сабаб бўлди.

Ер масаласи билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг товарлик хусусиятини ошириш муаммоси ҳам кескин бўлиб турарди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, аграр ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, ишлаб чиқариш муносабатларида феодал-патриархал шаклларининг устунлиги иқтисодий ўсиш жараёнларига, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигининг ошишига тўсқинлик қиларди. Бу эса, аграр муносабатларни тубдан янгилаш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш зарурияти етилганлигини англатарди. Барча ривожланган мамлакатлар ана шу босқични ўтганлар. Чунки биринчи бор «буржуа инқилоби» қўйган аграр вазифани ҳал қилмай туриб, чуқур бозор ислоҳотларини амалга оширишга йўл очиш мумкин эмасди. Ўзбек қишлоғидаги мулкий ер тенгсизлигини тугатиш учун йирик ер эгаларидан ерни давлат сотиб олиб уни ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тарқатиш маъқул бўлар эди. Бу тажриба Европа ва Америка давлатларида жуда ижобий натижаларга олиб келган эди. Афсуски, аввалбошданок большевиклар белгилаган аграр ислоҳотлар негизида чуқур назарий ва услубий хато ёндашувлар мавжуд эди.

Ҳокимият органлари аграр ислоҳотларнинг дастлабки босқичида бўлганидек, қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг тарихий жиҳатдан синалган иқтисодий воситаларини, «капиталистик мамлакатлар»да деҳқонлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим тажрибасини остонаданок инкор этдилар. Коммунистик метрополиянинг большевик раҳбарлари марксизмнинг ҳаёлий ақидаларига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асосий қуроли сифатида зўравонликни танладилар. Чунки янги иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» даври учун хос бўлган усулларни бирмунча юмшатган бўлсада, умумий стратегик йўл ўзгармасдан қолган эди.

1.2. Фарғона водийсида йирик ер эгаллигининг тугатилиши

1917 йил 8 ноябрда II Бутунроссия Советлар съезди «Ер тўғрисида»ги декретни қабул қилди. Бу декретнинг асосий ғоялари «Волост ер-сув комитетлари ҳолати тўғрисида» ва «Ерни социализация қилишнинг асосий қонуни» каби меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топди.¹ Бу ҳужжатларда ерга бўлган хусусий мулкни тугатиш кўзда тутилган эди.

1917 йил 6 декабрда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети юқоридаги декретга мувофиқ ҳолда «Барча ерлари зудлик билан област ва уезд ер комитетлари ихтиёрига ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда «давлат аҳамиятига эга бўлган ерлардан ташқари, барча ерлар дарҳол вилоят ва уезд ер қўмиталари ҳисобига ўтказилсин, бундай қўмиталар бўлмаган жойларда деҳқон ва мусулмон депутатлари вилоят ва уезд кенгашлари ихтиёрига берилсин, улар энди ер қўмиталарини ташкил этишга киришмоқлари лозим»² дейилган эди.

1917 йил 9 декабрда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ўлканинг барча ҳудудларида ер олди-сотдисини таъқиқлади. Кўчирув ишлари бошқармаси ва ер ишлари ва давлат мулклари бошқармасининг ер участкаларини тақсимлаш ва тартибга солиш ҳуқуқлари бекор қилинди. Бу ҳуқуқлар совет ҳукумати органларига берилди. Шунингдек, Туркистон ХКС бу бошқармаларнинг капиталларини ҳам мусодара қилиб, турли молиявий операцияларни амалга оширишини ҳам бекор қилди. 1918 йил 15 мартда Туркистон ХКСнинг буйруғи билан Давлат мулклари ва ер ишлари бошқармаси ташкил этилди.

Эски давлат аппаратини тугатиш билан бир вақтда ер-сув муносабатларини тартибга солиш ва бошқаришнинг большевикча органлари ҳам ташкил этила бошланди. 1917 йил декабрида Туркистон ер ишлари халқ комиссарлиги ташкил этилди, кейинроқ маҳаллий ер-сув комитетлари ташкил этила бошлади.

1918 йил январь ойида Туркистон Советларининг IV Ўлка съезди ер-сув комитетлари ва уларни ташкил этиш йўллари, иш усуллари тўғрисида йўриқнома қабул қилди. Ер-сув комитетлари даставвал Сирдарё вилоятида, кейинроқ Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ташкил топди. 1918 йил августида Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 74 та волост ер-сув комитетлари фаолият кўрсата бошлади. Шу йилнинг сентябрь ойида эса Туркистонда волост ер-сув комитетлари сони 196 тага етди. Шунингдек, марказий ва вилоят ер-сув ислоҳоти бўлимлари ҳам ташкил этилди.

Ер-сув комитетлари ўзига тўқ деҳқонларнинг ерларини ҳисобга олар эдилар. Деҳқонлар совет маъмурларининг жойларда ер комитетларини тузиш ҳаракатларини жиддий қаршилик кўрсатиш билан кутиб олдилар. Шу муносабат билан советларнинг IV Ўлка съездида (1918 йил январь) Ер ишлари халқ комиссарлиги вакили бундай деган эди: «Ер қўмиталарини тузиш осон иш эмас. Бизнинг ташвиқотчиларимиз ҳатто сайлов бўладиган жойларга ҳам бора олмадилар.. Комиссарларимиз кетишга мажбур бўлдилар, чунки ҳатто қуролли қаршилик кўрсатишга даъватлар бўлди.»³

1918 йилнинг апрелида Туркистон Советларининг V съезди «Ерни национализация қилиш ҳақида асосий қонун» қабул қилди. Бу қонун ўлкада аграр ўзгартиришларни амалга ошириш бўйича совет органларига асосий вазифаларни белгилаб берди. Съезд қарорларидан келиб чиқиб, Туркистон Ер ишлари халқ комиссарлиги 1918 йил май ойида барча ер-сув комитетларига йўриқнома юборди. Йўриқномада «Асосий қонунга мувофиқ барча ерларни рўйхатга олиш, улардан меҳнатсиз фойдаланилаётган кўринишдаги

¹ История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. Т., Изд. АН УзССР, 1962. стр. 18.

² Ўша ерда.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарк», 2000. 103-104-бетлар.

ерларни Туркистон дехқонлари ўртасида қайта тақсимлаш учун тайёрлаш зарурлиги» кўрсатиб ўтилган эди¹.

1918 йил 26 мартдаёқ Туркистон ХКС ўлкадаги хусусий боғлар ва паркларни национализация қилиш ҳақида буйруқ чиқарган эди. Бунга мувофиқ дастлаб «Вл. Алексеев», «Бр. Иванов», «Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти» хиссадорлик жамиятларига тегишли бўлган боғлар национализация қилинди. Бу боғларнинг умумий ер майдони 561 десятинадан иборат эди. Кейинроқ яна 34 та боғ ва узумзорлар ҳам национализация қилинди, уларнинг жами миқдори 1300 десятинадан ортди².

Совет Ҳукумати Туркистонда йирик пахта фирмаларини ҳам мусодара қилди. Чунончи, Потеляхов, Ю.Давидов, Вл. Алексеев ва бошқа пахтачилик ҳамкорлиги кўринишидаги фирмалар давлат тасарруфига ўтди. Давлат тасарруфига шунингдек умумий ер майдони 3,2 минг десятина бўлган 20 та сарой ва ховлиси бутун жихозлари билан ўтди³.

1918 йилнинг февраль-март ойлари оралиғида ўлкадаги йирик помешчик хўжаликлари – Мурғоб подшо саройи, шунингдек «Ака-ука Ивановлар», «Қоплонбек», «Кансай» савдо-ишлаб чиқариш ҳамкорлигига тегишли боғлар ва саройлар, Туркистон қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг «Эски Тошкент» саройи давлат фойдасига мусодара қилинди. 1918 йил апрелида ака-ука Яушевларнинг савдо уйига тегишли майдони 405 десятина бўлган кўрғони, йирик ер эгаси андижонлик Миркомил Мирмўминбоевнинг ховли-жойлари мусодара қилинди. Сентябрь ойининг иккинчи ярмида Фарғона област Марғилон волостидаги кўпгина катта ер эгаларига тегишли бўлган боғлар, чорбоғ ва узумзорлар, ховли-жойлар мусодара қилинди⁴.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига мувофиқ юқорида мусодара қилинган боғлар, саройлар ва ховли-жойлар ҳамда уларга тегишли ер майдонлари ерсиз дехқонларга тақсимланадиган ер фондига киритилмади. Балки улар давлатга тегишли мулк деб эълон қилинди. Масалан, Ангор, Довул ва Полвонариқ каби мусодара қилинган саройлар ва уларнинг ер майдонларида совхозлар ташкил қилинди.

1918 йил 13 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари совети ўлкадаги барча канал ва суғориш тармоқларини бошқариш ҳуқуқини ер ишлари халқ комиссарлигига ўтказиш ҳақида махсус декрет қабул қилди. Бу декретга мувофиқ каналлар, ариқлар ва бошқа суғориш тармоқларига, сув ресурсларига ҳам бевосита давлат эгалик қиладиган бўлди⁵.

Агар 1917-1918 йиллар оралиғида асосан чор мустамлакачиларига, мустамлакачи амалдорларига, шунингдек машхур бойлар ва шаҳарлардаги маҳаллий савдогарларга тегишли йирик ер-мулклар мусодара қилинган бўлса, кейинроқ ер-мулкни мусодара қилиш жараёнлари синфий ёндашувларга мувофиқ қишлоқ аҳолисининг ўзига тўқроқ катламларига ҳам тобора фаолроқ дахлдор бўлиб борди.

1919 йил бошларига келиб бир неча минг «меҳнаткаш бўлмаган хўжаликлар»нинг умумий майдони 100 минг десятинадан иборат ерларни мусодара қилинди⁶.

1918 йил баҳоридан бошлаб вақф мулки кенг равишда мусодарага учради, бу мулкка ер, савдо-саноат корхоналари ва шу кабилар кирарди. Мазкур мулк асрлар мобайнида қавмлар, маҳаллий ҳукмдорларнинг қилган хайр-эҳсонлари йўли билан вужудга келган эди. У турли диний ва анъанавий маданий-маърифий ташкилотларни таъминлаб туриш, учун мўлжалланган эди. Бошқача айтганда, вақф халқ эҳтиёжлари учун хизмат қилар эди. Вақфларнинг давлат мулкига айлантирилиши нафақат мусулмон

¹ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926гг.). Сборник документов. Ташкент, АН УзССР, 1962. стр. 32-33.

² История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. Т., Изд. АН УзССР, 1962. стр. 20.

³ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992. стр. 36.

⁴ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) Фрунзе, «Мектеп», 1967, стр. 35-37.

⁵ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.). Сборник документов. Ташкент, АН УзССР, 1962. стр. 78.

⁶ ЎзР МДА, 27-фонд, 3-руйхат, 1057-иш, 12-13-варақлар.

руҳонийлари, балки мачитларнинг қавмлари, мадраса ва мактаб ўқувчилари, яъни ҳақиқатда бутун маҳаллий аҳоли манфаатларига катта зарба бўлиб тушди, чунки диний муассасалар кун кўриш учун иқтисодий асосдан маҳрум бўлгач, ёпилишга маҳкум бўлдилар.

1918 йил охирларидан бошлаб, йирик ер-мулклар ва вақф мулкани давлат мулкига айлантириш билан бир қаторда, деҳқонларнинг кўпгина тоифалари ҳам ерга хусусий эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этила бошлади. Ер социалистик давлатнинг якка ўзига тегишли мулк деб эълон қилинди. Тарғиботчилик мақсадларида ер «умумхалқ мулки» деб эълон қилинди. Бироқ реал ҳаётда халқ «умумхалқ мулки» дан четлаштирилган бўлиб чиқди. Большевиклар ҳокимияти халқнинг табиий хом ашё бойликларини мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам қайтариб бермади. РСФСР Марказий Ижроия Комитетининг 1919 йил 14 февральдаги декретига мувофиқ Россия, шу билан бирга Туркистондаги мавжуд барча ерлар, «улардан ким фойдаланишидан қатъий назар», «ягона давлат мулки» деб эълон қилинди, уни Россия ҳукумати Ер ишлари халқ комиссарлиги орқали бошқара бошлади. Айни вақтда декрет «йирик совет хўжаликлари, коммуналар, ерга умумий ишлов бериш»ни ердан фойдаланишнинг асосий шакли деб эълон қилди, ердан якка-ёлғиз фойдаланиш эса «ўткинчи ва умрини яшаб бўлган нарса», сифатида таърифланди¹. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи эса деҳқонга, чорикорга ёки мардикорга унга фақат «шахсий меҳнати билан ишлов бериш» шарти билан бериладиган бўлди. Ёлланма меҳнат, хусусий секторда ерни ижарага олиб ишлаш қатъиян таъқиқланди, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада камайиб кетди.

Большевиклар режимининг халққа қарши қаратилган «Ҳарбий коммунизм» сиёсати асосида ўтказган озиқ-овқат сиёсати деҳқонларни ёппасига талашга айланиб кетди ва уларнинг анчагина қисмини очлик ва ўлимга маҳкум этди. Туркистоннинг таниқли жамоат арбобларидан бири Собир Юсупов 1918 йил 15 майда Турк МИҚ мажлисида қилган маърузасида Фарғона вилоятининг уездларида «очлик вабоси авж олмоқда, ҳар куни 60 киши очлик туфайли ўлмоқда», деган эди. Ҳақиқатда очлик кун сайин ортиб борди. Маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятида аҳолининг 35-40 фоизи, шу жумладан, Марғилон уездида-60 фоизи, Қўқон уездида 50 фоизи очликка дучор бўлган².

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, большевиклар томонидан ўйламасдан ўтказилган иқтисодий сиёсат «Ҳарбий коммунизм» шароитида қишлоқ хўжалигини ҳалокатли инқирозга дучор қилди. Бироқ марказий ҳукумат Туркистон қишлоқларининг ишлаб чиқарувчи кучларига путур етишини тўхтатишга уриниб ҳам кўрмади. Уни ўзининг империяча манфаатлари: иложи борича кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалик хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини марказий Россия эҳтиёжлари учун олиб кетиш қизиқтирар эди.

Туркистон қишлоқ ва овулларида большевиклар томонидан амалга оширила бошланган аграр ўзгартиришлар биринчи навбатда йирик заминдорлар, руҳонийлар қатлами ва кенг меҳнаткашлар оммасининг норозилигига сабаб бўлди. Чунки, ўлкада ер-сув муносабатлари бу давргача шариат ва одат қонунлари асосида бошқарилиб келинган ва бунга бутун халқ асрлар давомида кўникиб қолган ва ўрганиб қолган эди. Шунингдек, шариат қонунлари хусусий мулкчилик манфаатларини ҳам муҳофама қилар эди. Большевиклар томонидан хусусий мулкчиликка қарши кураш эълон қилиниши ҳам, оммавий норозиликни келтириб чиқарган сабаблардан бири эди.

Совет давлатининг аграр сиёсати Туркистон ўлкасида биринчи навбатда ана шу хусусий мулк эгаларининг кескин қаршилигига дуч келди. Жойларда ташкил қилинган

¹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сёсати: тарих шохидлиги ва сабоклари. Т., «Шарк», 2000. 209-210-бетлар.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарк», 2000. 112-бет.

советлар ва ер-сув комитетлари фаолиятига қарши кескин қаршилик ҳаракатлари авж олди. Чунки, қишлоқнинг оддий меҳнаткаш камбағал қатламлари ҳам йирик мулкдорлар ва руҳонийлар йўл-йўриқ ва кўрсатмаларига риоя қилар, бу ҳолат ўша давр учун табиий бир кўриниш бўлиб, ўзбек қишлоғига хос хусусият бўлиб қолган эди. Шу боисдан ҳам, ўлкада аграр ўзгартиришларни амалга ошириш жуда секинлик билан борди. Буларнинг барчаси халқнинг онгига йиллар давомида ўрнашиб қолган хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ тушунчалар билан чамбарчас боғланган эди. Шу туфайли ҳам аксарият район ва волостларда большевиклар томонидан жорий қилинган ер-сув комитетлари маҳаллий аҳоли томонидан ҳам тан олинмади, ер-сув муносабатлари яна аввалгидек оқсоқоллар ва аминлар томонидан бошқарилиши давом этаверди. Чунончи, Фарғона вилоят ер-сув комитети 1918 йил ёзида ТАССР ер-сув халқ комиссарлигига берган маълумотномасида Фарғона вилоятида халигача ер-сув муносабатларини бошқариш волост оқсоқоллари ва аминлари томонидан амалга оширилаётгани маълум қилинган эди¹.

Бундай ҳолат қаршисида большевиклар ҳукумати бошқача йўл тутишга қарор қилдилар. 1918 йил кузидан Туркистон АССР коммунистик партияси қишлоқ ва овулларда оммавий ташвиқот ва тарғибот ишларини авж олдирдилар. Бу ташвиқотлар орқали совет ҳукумати қишлоқ камбағалларини ўз томонига оғдиришга, қишлоқдаги ижтимоий қатламларни бир-бирига қарши қўйиб, ўзаро гиж-гижлашга ҳаракат қилди. Бу мудҳиш тадбир «қишлоқда синфий курашнинг кучайиши» сифатида талқин қилинди. Бу курашни авж олдириш учун қишлоқларда «Камбағаллар комитетлари» ташкил этилиб, бевосита унинг иштирокида мавжуд ер-сув ресурслари, иш ҳайвонлари ва асбоб ускуналар рўйхатга олина бошланди. Большевиклар бу борада ҳам «сопини ўзидан чиқариш» усулига қатъий амал қилдилар. Табиийки, бундай йўл тутилиши ўзининг самарасини бермай қолмади. Қишлоқдаги камбағал, ерсиз дехқонлар, мардикорлар, чорикорларнинг айрим гуруҳлари ер олишдан умидвор бўлиб «камбағаллар комитетлари»га аъзо бўлиб кирдилар ва большевиклар манфаати йўлида тарғибот-ташвиқот ишларида катта роль ўйнадилар.

Ер-сувни национализация қилишга қарши кураш қишлоқларда кун сайин авж олиб борди. Ер ва мулк эгалари, бойлар ўз ерларини, чорва ҳайвонлари, уй-жой ва асбоб-ускуналарини давлатга топширишдан бош тортдилар. Мулкдорларнинг ўзларига тегишли ерлар миқдорини камайтириб, кўрсатиши, яшириб қолишлари каби ҳолатлар авж олди, партия ва совет вакилларига ҳамда камбағаллар комитети фаолларига суъиқасдлар қилиш юз бера бошлади.

Аграр ўзгартиришларни амалга ошириш жараёнида кўпгина кўпол хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, Тошкент уезди Майдонтол волостида меҳнаткаш хўжалик кўринишида 100 десятинагача ерга эгалик қилаётган хўжаликлар сақлаб қолинди, айни вақтда Наманган уездида умумий ер майдони 129,5 десятина бўлган 200 дан ортиқ майда хўжаликлар «помешчик типи» хўжалиги сифатида тугатиб юборилди. Андижон уездида ҳам 362,5 десятина ери бўлган Ильинский хутори сақлаб қолинган ҳолда кўплаб майда хўжаликлар тугатиб юборилди².

Қишлоқнинг камбағал дехқон қатламларини бойлар ва руҳонийлар таъсирдан чиқариш учун большевиклар иқтисодий усуллардан ҳам кенг фойдаланди. Чунончи, жойлардаги ер-сув комитетларига кириб олган мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилувчи айрим кишилар «ёт унсур» сифатида қувғин қилинди, қишлоқнинг камбағал қатламларига навбатсиз уруғликлар берилди. 1918 йилнинг мартада ТАССР ХКС национализация қилинган пахта заводларига камбағал дехқонларга биринчи навбатда уруғликлар бериш ҳақида кўрсатма берди. 1918 йил ёзигача Сирдарё области дехқонлари уруғлик ва асбоб ускуналар сотиб олиш учун давлатдан –2,3 миллион сўм пул олдилар. 1918 йилда қишлоқ хўжалик омборлари дехқонларга 400 минг сўмлик турли қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини кредит йўли билан тарқатди, омборлар қошида ташкил этилган устахоналар

¹ Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 230-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 42-варақ.

² История народного хозяйства Узбекистана. Том-1. Т., Ан УзССР, 1962. стр. 21-22

деҳқонларга тегишли 700 дан ортиқ қишлоқ хўжалик асбобларини таъмирлади. Бу каби иқтисодий тадбирлар қишлоқнинг камбағал қатламларини большевикларга нисбатан ишончини бирмунча мустаҳкамлади.

Бу даврда меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш ва улардан тортиб олинган ерларни ерсиз деҳқонларга тақсимлаш ишлари асосан шаҳар атрофи ерлардагина, яъни совет ҳокимияти нисбатан яхши жорий этилган жойларда ўтказилди. Лекин, миллий истиқлолчилик ҳаракатлари авж олган жойларда хусусан, Фарғона водийсида бу каби ишлар жуда секинлик билан борди. Фарғона водийсида аграр ўзгартиришлар асосан Скобелев уездида ўтказилди. 1918 йилда бу уездда 4300 десятина ер хисобга олинди, Орол қишлоғида 620 десятина ер ерсиз камбағал деҳқонларга тақсимлаб берилди¹. Андижон уездида аграр ўзгартиришлар европалик помещчикларга тегишли бўлган 1360 десятина ерни хисобга олиш билангина чекланган бўлса, Наманган уездида ер ислоҳоти деярли ўтказилмади. Фарғона водийсида йирик ер эгалиги асосан, маҳаллий миллатга мансуб бойлар тасарруфида бўлиб, бу каби ерлар деярли мусодара қилинмади. Шунингдек, мусулмон дини қонун-қоидалари, яъни шариат асосида олди-сотдиси юритиладиган ерлар, бинолар ҳам Фарғона водийсида деярли дахлсиз қолдирилди.

ТАССР даги бу дастлабки аграр ўзгартиришларнинг таркибий асоси ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлашни шиор қилиб олган эди. Марказий Россияда бу масала йирик помещчик хўжаликларини ва бошқа хусусий жамиятларни мусодара қилиш йўли билан ҳал қилинган бўлса, Туркистонда ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш учун нисбатан катта ерга эгалик қилмаган «бой хўжаликларни мусодара қилиш кўзда тутилди. Ўлкадаги бойлар йирик ер эгаси ва айни вақтда савдогар ҳам эдилар. Улар ўзларига тегишли ерларнинг бир қисмини ерсиз деҳқон ва чорикорларга маълум шартлар билан ижарага берардилар.

Фарғона водийсидаги деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шу эдики, бу ерда ёлланма ишчи кучидан эксплуатация мақсадида эмас, балки зарурат юзасидан фойдаланилар эди. Водий деҳқончилиги асосан суғорма деҳқончилик, хусусан пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, бу жуда кўп меҳнат талаб қилар, шу боисдан қизғин паллада фақат йирик хўжаликларгина эмас, майда хўжаликлар ҳам ёлланма ишчи кучидан фойдаланар эди.

Туркистондаги аграр масалани ҳал қилиш учун аввало ўлкадаги мавжуд ерларни классификациялаш, ерларни районлар бўйича унумдорлигини аниқлаш, суғориш тармоқлари ва имкониятини аниқлаш ва энг асосийси суғориладиган ва суғорилмайдиган районларда битта хўжалик учун зарур ернинг қатъий меърини аниқлаш зарур эди. Лекин бу ишларни бажариш учун ўлкада бу соҳанинг мутахассислари етишмас эди. Шу сабабли ҳам бу каби масалалар кўриб ўтилаётган даврда деярли амалга ошмади. Бой хўжаликлардан мусодара қилинган ерлар аниқ белгиланган норма бўйича эмас, вақтинчалик тахминий норма бўйича тақсимланди.

Туркистонда Россияда октябрь тўнтаришидан кейин юз берган ҳолат, яъни мусодара қилинган помещчик ерларини ерсиз деҳқонлар томонидан ўзбошимчалик билан тақсимлаб олиш кўринишлари юз бермади. Бу хусусият ҳам, ўлка халқларининг мусулмон дини ва шариат қонунларига қатъий риоя қилиши билан изоҳланади.

Совет ҳукумати органлари «помещчик-бой типи» хўжаликларидан мусодара қилинган ерларни камбағал деҳқонларга давлат томонидан белгиланган меҳнат нормалари бўйича тақсимлади. Туркистон ўлкаси учун белгиланган вақтинчалик ер нормаси 3-5 тадан меҳнатга яроқли аъзоси бўлган бир хўжаликка 8 десятина хажмида белгиланди. Бу норма барча волост ва уездлар учун қатъий бўлмай, жойлада ер қўмиталарининг ихтиётига кўра, ер фондига қараб, ё бўлмаса маҳаллий иқтисодий шароитларга кўра турли миқдорда тақсимланган.

¹ История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. стр. 22-23

Давлат томонидан белгиланган вақтинчалик меёрларга Тошкент уездида қаттиқ амал қилинган. Зангиота волостида 1918 йил апрель ойида бой Тўрахожи Дадажоновдан мусодара қилинган ер 66 та хўжаликка 8 десятинадан тақсимланган¹.

Айрим районларда ерлар хўжаликлардаги кишиларнинг сонига қараб ёки иш ҳайвонлари сонига қараб тақсимланган. Скобелев уездида (Фарғона вилояти) ер нормаси битта хўжалик учун суғориладиган жойларда 9 таноб², суғорилмайдиган жойларда 18 таноб миқдорида белгиланган.

Туркистонда ердан фойдаланишнинг қатъий нормасини белгилаш ўта мураккаб муаммо эди. Чунки ўлкада қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари-кўчманчи чорводорлик, ғалла-дон хўжалиги, сунъий суғиришга асосланган пахтачилик, боғдорчилик каби кўринишлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири бир-биридан фарқли ишчи меҳнатини талаб қилар эди. Бундай мураккаб шароитда ердан фойдаланишнинг қатъий нормасини белгилаш учун аниқ статистик иқтисодий таҳлилларни ҳар бир районлар бўйича ишлаб чиқиш талаб қилинар эди.

Туркистонда аграр ўзгартиришлар бошланган кезларда большевиклар йирик ер эгаларидан ер ва сувни, бошқа мулкларни мусодара қилиб, уни ерсиз ва кам ерли камбағалларга тақсимлаб беришни ваъда қилган эди. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, совет ҳукумати мусодара қилинган ерларни имкон қадар давлат тасарруфида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Мусодара қилинган ер фондининг маълум бир озгина қисми ерсиз деҳқонларга тақсимлаб берилиб, қолган асосий қисми давлат хўжаликлари ихтиёрида олиб қолинди. Ўлкада дастлабки коллектив хўжаликлар 1918 йил баҳорида Самарқанд ва Сирдарё областларида ташкил қилинди. Бу колхозлар Булатов, Александровек, Майдонтол, Зангиота, Жалолтепа волостларида ташкил этилди³. Совхозлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалик артеллари ҳам ташкил этила бошлади. Жумладан, Тошкент уездида мусодара қилинган «Қоплонбек» ширкатининг 1084 десятина ери 18 та қишлоқ хўжалик артелларига берилган.

1920 йилга келиб, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 52 та колхоз, 29 та қишлоқ хўжалик артели ва 7 та коммуна фаолият кўрсата бошлади.⁴ Шу тариқа Туркистон АССРдаги «социалистик» аграр қайта қуриш асосан совхозлар, артеллар ва коммуналар кўринишида амалга оширилди. Буларнинг барчаси ўлкада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилга нисбатан 1921 йилда 48,8 фоизга қисқариб кетди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан, 1921 йилдан эътиборан аграр ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган хўжалик тадбирлари занжирида мустақил иш олиб боровчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка деҳқон хўжалигининг манфаати олдинги ўринга қўйилди. Майда товар ишлаб чиқарувчи эса иқтисодий тизимнинг мустақил ҳаракат қилувчи субъекти бўлиши учун унинг ерга эгалик қилишини таъминлаш, имтиёзли солиқ солиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришнинг иқтисодий омилларини жорий этиш мўлжалланган эди.

1921 йилга келиб пахтачилик ҳам танг аҳволга келиб қолди. Пахтачиликнинг инқорози метрополиянинг иқтисодий манфаатларга жиддий таъсир қилди. Мамлакатда пахтачиликни марказлашган ҳолда ривожлантириш учун РСФСР Олий Халқ Хўжалик Кенгаши Бош Пахта қўмитаси (Главхлопком) ва пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунадиган пахта қўмиталари ташкил этилди.

Ирригацияни қайта тиклаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш муаммолари ўта қийинчилик билан ҳам қилинаётган эди. Ҳокимият органлари сув хўжалигини тиклаш ишларига кенг деҳқонлар оммасини мажбуран жалб қилишга асосий эътибор бердилар.

¹ История народного хозяйства Узбекистана. Том. 1. Т., АН УзССР, 1962. стр. 24-25.

² Таноб - 0,6 гектарга тенг.

³ Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1920 гг.) Т., АН УзССР, 1963. стр. 162.

⁴ Ўша асар. 173-бет.

1921 йил 11 майда ТАССР ХКС Москванинг талаби билан ўлкадаги ирригация ишларини харбийлаштириш тўғрисида декрет қабул қилди¹.

Янги иқтисодий сиёсатни ислоҳ қилиш йилларида аграр ўзгаришларнинг муҳим йўналиши-мувофиқлаштирилган ер сиёсатининг ўтказилиши бўлди. Бироқ, унда аввалги йиллардаги аграр сиёсатнинг кўпгина жиддий нуқсонлари сақланиб қолган эди. Булар жумласига синфий ёндашувнинг устуворлиги қишлоқ аҳолиси орасида ҳар томонлама ижтимоий табақаланишни кучайтириш, Туркистон қишлоқларини социалистик қайта қуриш кирар эди. Мазкур ёндашув 1921-1922 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳотида яққол ифодаланди.

Аграр ислоҳот янги босқичининг умумий вазифалари Туркистон Компартиясининг V съезди ва Туркистон советларининг IX қурултойи (1920 йил сентябрь) қарорларида белгилаб берилган эди. Бу вазифаларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин. **Биринчи вазифа-**социалистик йўналиш бўлиб, у «меҳнат билан шуғулланмайдиган бой-қулоқ хўжаликларини» тугатиш ва кўчманчи аҳолини ўтроқ ҳолатга ўтказишдан иборат эди. **Иккинчи вазифа-**инқилобий демократик хусусиятига эга бўлиб, у ерларни ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, батрақлар, чорикорлар ўртасида меҳнат нормалари бўйича тақсимлашни ўз ичига оларди. **Учинчи устувор йўналиш** – чор Россиясини мустамлакачилик сиёсатининг кучли сарқитларини енгишга қаратилган бўлиб, бу сарқитлар шу нарсада ифодаланар эдики, маҳаллий аҳоли ерларининг кўпчилик қисми, айниқса, Столипин аграр ислоҳотлари даврида чоризмнинг кўчириш сиёсати натижасида келгинди рус деҳқонлари томонидан эгаллаб олинган эди². Ислоҳотларнинг бошланиши даврига келиб қишлоқ хўжалигидаги кўчириб келтирилган рус аҳолисининг сони ҳаммаси бўлиб 8 фоизни ташкил этарди, лекин улар барча маданий ерларнинг деярли ярмини эгаллаган ва маҳаллий аҳолига нисбатан ер билан 15 баробар кўп таъминланган эди³.

Ислоҳотни амалга оширишга 1921 йилнинг баҳоридан киришилди. Ислоҳот ўтказиш учун дастлаб Еттисув, Сирдарё, Фарғона вилоятлари белгиланди. Ислоҳотнинг биринчи босқичида асосий вазифа кўчириб келтирилган русларнинг ерларини тортиб олишдан иборат сиёсий «фойдали» ишни амалга ошириш бўлди. Кўчириб келтирилганларнинг асосий қисми қулоқлар деб эълон қилинди, уларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга уринишлари «қулоқ-мустамлакалари унсурларининг қаршилик кўрсатиши» деб баҳоланди. Ер-сув ислоҳоти фавқулодда тадбирлар шаклида ўтказилди. Ислоҳотнинг асосий вазифаси маъмурий тазйиқ ўтказишдан иборат эди.

Аста-секин ислоҳотнинг стратегик вазифаларига мувофиқ кўчириб келтирилган руслардан ерларни мусодара қилиб олиш билан бир қаторда вақф ерларини ҳам тортиб олиш, маҳаллий бойлар, манноплар, савдогарлар, диний хизматчилар ва қишлоқ ҳамда овулларнинг «меҳнат билан шуғулланмайдиган юқори табақалари» деган бошқа вакиллари ерларни камайтириш юзасидан жиддий ишлар қилинди. Бунда «Кўшчи» иттифоқи «аграр ҳужум»нинг зарбдор кучи бўлиб майдонга чиқди, бу иттифоқ 90 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолисини бирлаштирган бўлиб, унинг аъзолари тортиб олинган ерларни биринчи навбатда ўзларига олишар эди. Улар «меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар»ни аниқлар, бадавлат хўжаликларнинг ер, чорва моллари, меҳнат қурулларини ҳисобга олишар, «яшириб қўйиш»га уринишларни фош этишарди. Умуман олганда, Туркистон Республикасида «Кўшчи» иттифоқи ёрдами билан 8034 та хўжалик тугатилган эди⁴.

Террорга учраган ер эгалари зўр бериб қаршилик кўрсатдилар. Кўпгина мулкдор деҳқонлар ўз ерларига экин экишдан бош тортдилар, чорва ҳайвонларини тоғларга

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 181-бет.

² Ўша асар. 182-бет.

³ Аминова Р.Х. Аграрные преобразование в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг.) Т., «Фан», 1969. стр. 32.

⁴ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. стр.30.

яширдилар, ғаллаларини кўмиб ташладилар, баъзан эса, ҳатто ўз уйларига ўт қўйдилар. Маъмурлар бу каби хатти-ҳаракатларга зўравонлик билан жавоб берардилар.

Умуман, 1921-1922 йиллардаги ислохот жараёнида ер тузиш жамғармасига 1.722.626 десятина ер кўшилди. Шулардан кўчириб келтирилганлар посёлкаларини, хуторларини тугатишдан олинган ерлар 205.059 десятинани, европалик аҳоли посёлкаларида белгиланган меёрдан ортиқча олинган ерларни тортиб олишдан қўлга киритилган ерлар 85.107 десятинани, эркин ва кўчиб келганлар жамғармасини тугатишдан олинган ерлар 1.321.720 десятинани, «меҳнат билан шуғулланмайдиган» хўжаликлардан тортиб олинган ерлар 40.825 десятинани, монастирлар, черковлар ва вақф ерларини мусодара қилиш натижасида қўлга киритилган ерлар 27.016 десятинани ташкил қилган эди. Ана шу ресурслардан маҳаллий аҳолининг 15745 хўжалигига қарийб 600 минг десятина ерни экин экиш ва яйловлар учун берилди, кам ерли ва ерсиз ўзбек аҳолиси учун эса 117.512 десятина ер ажратиб берилди¹.

1921-1922 йиллардаги ер ислохоти ҳар хил жараёнларни келтириб чиқарди. Бир томондан у маълум маънода ер масаласини ҳал қилишга ёрдам берди. Бироқ ерсизларни ер билан таъминлаш соҳасида кўрилган бу тадбирлар Туркистон хўжаликларининг, айниқса, унинг ўзбеклар яшайдиган қисмига ниҳоятда кам манфаат келтирди, чунки уларга берилган ерлар кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган барча ерларнинг 0,7 фоизини ташкил этар эди холос².

Ислохот кишлокдаги сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди. Кишлоқлар ҳаётида қатъий синфий зиддиятлар бошланганлиги кўзга ташланди. Кўпгина туманларда маҳаллий идоралар иш ҳайвонлари ва кишлок хўжалик куролларини умумийлаштириш йўли билан аҳолини сунъий равишда дехқончилик артелларига бирлаштиришга уринарди. Масалан, 1921 йилнинг ўрталарига келиб фақат Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳудудларида 8745 хўжаликни бирлаштирган 275 та жамоа хўжалиги ташкил этилди. Давлат хўжаликлари тармоғи ҳам кенгайтириб борилди. 1923 йилда ТАССР да 161 та совхозлар бор эди³. Ер-сув ислохотининг натижалари ТАССР МИҚнинг 1922 йил 20 сентябрда қабул қилинган «Туркистонда ердан меҳнат мақсадида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш соҳасидаги қонунчилик мажмуида Туркистон Советлари МИҚнинг 1922 йил 11 апрелдаги «Натура солиғи ҳақида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга кўра дехқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озик-овқат развёрткиси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озик-овқат солиғи белгиланди. Лекин орадан кўп ўтмай хўжаликнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий этилди. Солиқ қуйидаги пропорцияларда олинishi белгилаб қўйилди: 2 десятинагача ери бор хўжаликлардан-10 фоизи, 4-6 десятинагача ери бор хўжаликлардан-14 фоизи, 8-20 десятинагача ери бор хўжаликлардан ҳосилнинг 16 фоизи миқдорида ва ҳоказо⁴. Бу нафақат кишлокдаги хўжаликларнинг турли тоифалардан, айниқса, камбағал-батрақлар қатламларидан олинадиган солиқни камайтирди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишга уриниб ҳам кўрилди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 183-бет.

² Ўша ерда.

³ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. Т., «Фан», 1957, стр.71.

⁴ История народного хозяйства Узбекистана. Том 1. Т., АН УзССР, стр. 12.

2-БОБ. ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ДАВРИДА БАДАВЛАТ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ЧЕКЛАНИШИ.

2.1. Тўқ хўжаликларни сиёсий чеклашнинг меёрий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда ўтказилажак ер-сув ислоҳотининг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон компартиясининг II съездида (1925 йил ноябрь) тасдиқланди. Съезд қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ер ислоҳоти шундай аҳволни таъминлаши лозим эдики, унда «хусусий мулкчилик муносабатлари давлатнинг социалистик иқтисодиёт таъсирига бўйсундирилиши керак» эди. Съезд дарҳол «Ўзбекистон ССР ҳудуди доирасидаги ер ва сувни национализация қилишга киришиш, ердан фойдаланувчи йирик хўжаликлар гуруҳини тугатиш»га даъват этди. Майда деҳқон хўжаликларининг ҳақиқатда доимий ёлланма ишчилар ва чорикорлар жалб қилмасдан ишлов берадиган майдонлари уларга бириктириб қўйиладиган ер нормаси деб эълон қилинди¹.

Ер-сув ислоҳоти билан янги иқтисодий сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик даражаси масаласида умумлаштирилган ёндашув «18лар гуруҳи» нуқтаи назарида яққол намоён бўлди. У республиканинг 18 нафар масъул партия ва совет ходимларини ўз ичига олган эди. ЎзССР Халқ комиссарлари совети раиси Ф. Хўжаев бу гуруҳга очик кўшилмаган бўлсада, уларга ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилди. Улар ердан баравар фойдаланиш амалиётидан эҳтиёт бўлишни, товар-пул муносабатлари имкониятидан тўлароқ фойдаланишни, бадавлат деҳқонларга авайлаб муносабатда бўлишни, барча жойларда аграр ислоҳотнинг боришида ўлканинг ўзига хос томонлари ҳисобга олинишни таклиф қилган эдилар. Бироқ уларнинг огоҳлантирилиши коммунистларнинг ортодоксал кайфиятдаги қисми томонидан ғзаб – нафрат билан кутиб олинди. «Гуруҳ» аъзолари «бой-қулоқ» ер эгаллигини сақлаб қолишга интилишда ва маҳаллий миллатчилик томонига оғишда айбланди.²

Ўзбекистон КП II съездининг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ 1925 йил 2 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия комитетининг фавқулодда сессиясида “Ер ва сувни национализация қилиши тўғрисида” декрет қабул қилинди. Унда ерни тортиб олиш шарт –шароитлари ва аграр ислоҳот босқичлари белгилаб берилган эди. Аввалроқ ТАССР ва БХСР нинг “Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида” қарорларини ривожлантирган бу декретда “бутун ер, ўрмон, сув, Ўзбекистон ССР ҳудудидаги ер ости бойликлари ЎзССР нинг давлат мулки ҳисобланади” деб таъкидланган эди. Декретга кўра Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги 50 десятинадан ортиқ ери бор “помешчик типи”даги хўжаликлар ва Фарғона вилоятидаги 40 десятина ери бор хўжаликлар мусодра қилиниши кўзда тутилган эди. 7-10 десятинадан ортиқ ери бор хўжаликлар эса қискартирилиши лозим эди³.

Ислоҳотни ғоявий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун марказий партия-давлат комиссияси, жойларда эса вилоят, уезд ва волост комиссиялари тузилди. Ислоҳот бошланишига қадар Ўзбекистоннинг барча минтақаларида фаол ташвиқот-тарғибот ишлари авж олдириб юборилди. Ҳамма жойда “Кўшчи” иттифоқи аъзоларининг йиғилишлари, махсус қишлоқ йиғинлари бўлиб ўтди, уларда фаол чорикорлар, мардикорлар, ерсиз деҳқонлардан иборат ислоҳотга кўмаклашувчи ячейкалар тузилди. Улар ёрдамида барча тоифадаги хўжаликларнинг рўйхатлари тузилиб, ерга муҳтож бўлганлар сони аниқланди, “ортиқча” иш ҳайвонлари ва зўрлик билан тортиб олиниши

¹ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. Изд. АН. УзССР, Ташкент, 1962, стр. 238-242.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 329-330-бетлар.

³ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. Изд. АН. УзССР, Ташкент, 1962, стр. 244-246.

лозим бўлган “меҳнат билан шуғулланмайдиган” хўжаликлардаги кишлоқ хўжалик асбоблари ҳам ҳисобга олинди.

Ҳокимият тузилмалари деҳқонларнинг камбағал қатламларини кишлоқнинг бадавлат гуруҳларига гиж-гижлатиш йўли билан барчани кайфиятига таъсир этиш ва синфий нафратни авж олдиришга интилдилар, синфий тўқнашувлар келтириб чиқардилар. Бу нарса партия ҳужжатларида “синфий табақаланишга ёрдам бериш” деб аталди. Қисқаси, партия кишлоқда совет ҳокимиятига қарши бўлган табақани, совет давлатига хайрихоҳ бўлган камбағал деҳқонлар табақаси қўли билан йўқотишга ҳаракат қилди.

Ислоҳот барча ижтимоий қатламларнинг диққатини тортди. Кишлоқдаги “қуйи” қатламлар ернинг тенглаштирилиши ғоясини қўллаб-қувватладилар. Чунки кам ерли ва ерсиз деҳқонлар ер олиб, тузукроқ ҳаёт кечиришдан умидвор эдилар. Уларнинг ислоҳотга қизиқиши иқтисодий асослар билан боғлиқ эди. “Юқори” қатлам – яъни раҳбарлар эса ислоҳотни ўтказиш билан социализмга сакраб ўтишни кўзлар эди холос.

Ўртаҳол деҳқонларга бирмунча эътибор берилди, сабаби улар ислоҳотни ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан кутиб олдилар. Чунки улар ислоҳот натижасида ўзларинг чек ерларидан ажралиб қолишдан чўчир эдилар. Шу сабабдан большевиклар ўртаҳол деҳқонларга устамонлик билан муносабатда бўлди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, партия уларни ўз томонига оғдиришга интилди.

1925 йил 12 декабрда ЎзССР МИҚ Президиуми ер-сув ислоҳотини ўтказиш тадбирлари бўйича қарор қабул қилди. 15 декабрда ЎзССР МИҚ йирик хўжаликлардан кишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва жихозларини ер тақсимланадиган деҳқон хўжаликларига мажбурий сотиш ҳақидаги қарорни ҳам тасдиқлади. Бу қарорда ердан фойдаланиш нормалари ҳам белгиланди. Бунга кўра Фарғона области бўйича битта хўжалик учун 7 десятина, Тошкент ва Самарқанд областлари учун 10 десятина қилиб белгиланди. Бу нормадан ортиқча ерлар мусодара қилиниши, “ортиқча” жихозлар камбағал деҳқонларга олиб берилиши кўрсатиб ўтилди.

Марказий ер-сув комиссияси кўрсатмаси бўйича 1925 йил 5 декабрда Фарғона области бўйича 15 кишидан иборат ер-сув комиссияси ташкил қилинди. Комиссия котиби этиб А.Ниёзов сайланди. Бу комиссия 4 та уезд ер-сув комиссиясини – Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон комиссияларини ташкил этди. Фарғона област партия комитетининг 1925 йил 13-17 декабрь кунларидаги пленумларида вилоятда амалга ошириладиган ислоҳотга алоқадор ишлар масаласи муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Ҳар иккита волост учун биттадан район ер-сув қўмитаси ташкил этилди. Фарғона области бўйича 33 та район ер-сув қўмиталари ташкил этилди. Район комиссиялари тегишли районлар бўйича мусодара қилинадиган ер ва иш ҳайвонлари ҳамда асбоб-ускуналарни камбағал деҳқонларга белгиланган меёрлар бўйича тақсимлаш иши билан шуғулланишлари лозим эди. Шунингдек, район комиссиялари мусодара қилинадиган хўжаликлар ва ер берилиши керак бўлган хўжаликлар рўйхатини тузиш билан ҳам шуғулландилар. Бу ишларда район комиссияларига “Кўшчи” иттифоқи фаоллари катта ёрдам кўрсатдилар.

Бутун республикада кузатилганидек, Фарғона водийсидаги ер-сув ислоҳотини ўтказишда коммунистик партия асосий етакчилик ролини бажарди. Фарғона област партия комитети ислоҳотни ўтказишга бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилди. Водийнинг ҳар бир районларида, кишлоқларда компартия вакиллари ва “Кўшчи” иттифоқи аъзолари ҳамкорлигида камбағаллар йиғинлари ташкил этилди ва бу йиғинларда кишлоқнинг камбағал қатламлари бадавлат қатламга қарши кайралди, улар орасига адоват уруғи сочилди.

1926 йил 3 январда Фарғона област партия комитетининг ташвиқот бўлими ислоҳотни ўтказиш бўйича ташвиқот ишларини авж олдириш тадбирларини ишлаб чиқди. Бу тадбирларда камбағаллар йиғинларини ўтказиш асосий ўрин тутар эди. Фарғона водийсида ислоҳот бошланиши билан жойларда 1080 та йиғилиш ўтказилди, улардан 300 таси Андижон уездида, 280 таси Марғилон уездида, 260 таси Қўқон уездида, 240 таси эса

Наманган уездида ўтказилган эди¹. Бу йиғинларда ислохотни ўтказишга бағишланган турли спектакллар ҳам намоёиш қилинар эди. Жумладан, “Қулоқни суд қилиш”, “Ер ислохоти” номли пьесалар кўплаб қишлоқларда намоёиш қилинди. Жойларда ислохотга ташвиқ этувчи плакатлар, варақалар тайёрланиб тарқатилди, вилоят газеталарининг барча саҳифалари ислохотга доир материалларни чоп эта бошлади. “Фарғона” самолёти водий бўйлаб 100 минг нусха ислохотга даъват этувчи варақалар ва 11 минг нусха брошюраларни тарқатди. Қишлоқларда қизил чойхоналар очилди, агитмашиналар ва агитаравалар ҳар бир қишлоқларда ислохот бўйича ташвиқот ишларини олиб борди. Бу тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини берди, минглаб камбағал деҳқонлар ер-сув ислохотини қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Бу кенг кўламли ташвиқот ишларидан кейин Фарғона област ижроия комитети 1925 йилнинг 12 декабрида ер-сув ислохоти ҳақидаги декретни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилди. Шундан сўнг област бўйича барча хўжаликлар ва уларга тегишли ер, мол-мулк, чорва ҳайвонлари рўйхатга олина бошлади. Ер-сув комиссиялари қишлоқларга келиб амалий ишга киришдилар. Район комиссиялари қишлоқнинг катта-кичиклигига қараб 13-17 кишидан ташкил қилинган эди. Комиссия таркибида маҳаллий партия ташкилоти вакиллари ва “Кўшчи” иттифоқи аъзолари ҳам бор эди. Комиссия аъзолари қишлоқларга бориб, камбағал деҳқонлар иштирокида мусодара қилиниши керак бўлган хўжаликлар кўрғонига бориб, уларни қатағон қилишга киришдилар. Мусодара қилиш ҳақидаги актлар шу ернинг ўзидаёқ тузилар ва хўжалик бошлиғига мажбуран имзо қўйдирилар эди.

1925 йил 28 декабрда Бувайда волостида ер комиссияси Олқор қишлоғида яшовчи эшон Сўфи Бадаловнинг 256 таноб ерини мусодара қилиш ҳақида акт тузганлар. Айни пайтда ер билан бирга иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари ҳам комиссия томонидан мусодара қилинган². Район комиссиялари белгиланган нормадан ортиқча бўлган ерларни қирқиб олиш ва ортиқча деб ҳисобланган иш ҳайвонлари ва меҳнат қуролларини мажбурий сотиб олиш билан ҳам машғул бўлди. Фарғона области учун битта хўжалик учун белгиланган ердан фойдаланиш нормаси 7 десятина бўлиб, бу миқдордан ортиқча ерлар ҳам комиссия томонидан тортиб олинди. Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари миқдори ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан районлар бўйича белгилаб берилди.

Ер, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуролларининг мусодара қилиниши ва эгаларидан тортиб олинishi жуда катта норозиликларга сабаб бўлди. Еридан, мол-мулкдан жудо бўлган ўзига тўқ хўжаликлар ислохотга қарши чиқдилар. Улар ўз навбатида ислохотга қарши турли ташвиқотларни авж олдирдилар, ер ислохоти фаолларига суиқасдлар уюштирилди. Жумладан, Марғилон уездида ер-сув комиссияси аъзоси Маматқул хожи Абдулқулиев бойлар томонидан ўлдирилди. Яққатут районида йирик бой Ўринбой Холматов ўз ерларини ҳеч кимга бермаслигини, агар давлат мажбуран ерини тортиб олиб ерсизларга тақсимлаб берган тақдирда ўзига қарашли 40-60 кишини тўплаб, ери тақсимланган чорикорларни қаттиқ жазолашини маълум қилган³.

Бу каби чиқишлар советлар томонидан ер-сув ислохотига қарши душманлик, аксилинқилобий чиқиш деб баҳоланди ва уларга қарши қаттиқ жазо чоралари қўлланди.

1925 йил 17 декабрда Фарғона област газетасида област ижроия комитетининг IV – сессиясида қабул қилинган қарорлар эълон қилинди. Унда Фарғона областида ер-сув ислохоти муваффақиятли бораётганлиги таъкидланиб, 40 десятинадан ортиқ ери бор «помешчик ва қулоқ» хўжаликлари деярли тугатиб бўлингани айтилди.

Ислохот давомида ерларини комиссиядан яшириб қолган ёки миқдорини камайтириб айтган хўжаликлар аниқланиб суд жавобгарлигига тортилган. 1926 йил 2 январда Фарғона област партия комитети бундай хўжаликлар устидан очиқ судлар

¹ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) Ош, 1962. 138-бет.

² Фарғона вилоят давлат архиви, 127-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 1-варақ.

³ Фарғона вилоят давлат архиви, 127-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 45-варақ.

ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган. Бу қарор бўйича 1926 йилнинг 19 январиди Андижон уезд Ҳаққулобод қишлоғида катта ер эгаси Сотволди Абдурахмонов устидан очиқ суд ўтказилди. У ерлари, иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини ер комиссиясидан яширганлиги учун суд қилиниб, 7 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган¹. Бундай очиқ судлар Қўқон, Марғилон, Наманган уездларида ҳам ўтказилди. Очиқ судларда қамбағал деҳқонлар, чорикорлар, “Қўшчи” иттифоқи аъзолари қатнашганлар, улар бойлар яширган ерларни, қишлоқ хўжалик асбоблари, от-улов ва ҳоказоларни аниқлашда фаол қатнашдилар. Масалан, Марғилон уезди, Чимён волостида “Қўшчи” иттифоқининг аъзоси бўлган 130 батрак бойлар томонидан яширилган минг танобдан ортиқ ер, юзлаб от-улов ва асбоб-ускуналарни аниқлаганлар². Ёзёвон қишлоғида эса батраклар томонидан ерларини яширган 4 та бой аниқланиб, суд жавобгарлигига тортилган.

Ўзбекистон ССР Советлар Марказий Ижроия Комитети Жиноят кодексининг 80-моддасига айрим қўшимчаларни киритди, яъни ер майдонини яширганлиги ёки асбоб-ускуналарнинг хажми ва сони ҳақида нотўғри маълумот берганлиги учун, шунингдек, ер комиссиялари ҳисобга олган мулкни қамомат қилганлиги ва ўғирлаганлиги учун мулкни мусодара қилинган ҳолда 3 йилгача озодликдан маҳрум этишни кўзда тутган эди³.

Фарғона водийсидаги ер-сув ислохотининг бориши “Қамбағал деҳқон” газетасида мунтазам ёритиб борилди. Газетада ислохотни ўтказишда “Қўшчи” иттифоқи ва комсомол аъзоларининг фаол иштироки кўп бор таъкидлаб ўтилган.

Фарғона водийсида ер-сув ислохоти расман 1925 йилнинг 9 декабрида бошланди. Дастлаб ислохотни яқунлаш муддати 1926 йил 15 апрелга белгиланган. Кейинроқ иш авж олгач, ислохотни яқунлаш муддати 20 мартга, 1 мартга, 20 февралга ва 5 февралга ўзгартирилган. Ислохот расман 1926 йил 1 февралда ниҳоясига етказилди. 1926 йилнинг 31 январь куни “Правда” ва “Қамбағал деҳқон” газетаси сонларида Фарғона водийсида ер-сув ислохоти муваффақиятли яқунланганлиги маълум қилиниб, бу коммунистик партиянинг навбатдаги ғалабаси сифатида талқин қилинди.

Ислохот давомида аввало “помешчик типи”даги хўжаликлар тугатилди, бу ишлар учун 34 нафар вилоят ходимлари сафарбар қилинган. Кейин эса 4 ва 5 разрядли савдогар хўжаликлари тугатилди, сўнгра белгиланган нормадан ортиқча ерлар тортиб олинди.

Фарғона водийси бўйича ислохот натижасида 770486 таноб⁴ ер жамғармаси ташкил қилинди. Бу ер жамғармасининг 127000 танобини (барча ерларнинг 16 фоизи) “помешчик” хўжаликларидан мусодара қилинган ерлар, 195980 танобини (25 фоиз) белгиланган нормадан ортиқча ерларни қирқиб олиш ҳисобига тўпланган ерлар, 207899 танобини (27 фоиз) савдогарлардан ва шаҳар тадбиркорларидан мусодара қилинган ерлар, 239607 минг танобини (31,5 фоиз) давлат ерлари ва вақф ерлари ташкил қилди⁵.

Юқоридаги ер фондидан Фарғона водийси бўйича 36920 хўжалик ер олди, улардан 24916 таси чорикорлар, 12004 таси қароллар, батраклар ва бошқа ерсиз деҳқонлар эди.

Янги ташкил қилинган хўжаликлар уездлар бўйича қуйидагича кўринишда эди: Қўқон уезди бўйича-5085 хўжалик, Андижон уезди бўйича-9008 хўжалик, Наманган уезди бўйича- 10229 хўжалик, Марғилон уезди бўйича-11770 хўжалик, Конибодом райони бўйича-828 хўжалик. Жами: 36920 хўжалик.

Фарғона области бўйича ташкил қилинган хўжаликлар олган ерлар миқдори қуйидагича: 1-6 танобгача ер олган хўжаликлар-5493 та (14 %); 6-12 танобгача ер олган

¹ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг) стр. 144

² Ўша асар. 145-146-бетлар.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Тошкент, «Фан», 1971. 460-бет.

⁴ Таноб-ер ўлчов бирлиги бўлиб, турли районларда турли хажми акс эттирган. Фарғона областида бу даврга 1 таноб 0,16 десятинага тенг бўлган.

⁵ Об итогах проведения и начале закрепления земельной реформы в Ферганской области. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг) Сборник документов. 255-258-бетлар.

хўжаликлар-14099 та (39 %); 12-18 танобгача ер олган хўжаликлар-10361 та (28 %); 18 танобдан ортиқ ер олган хўжаликлар-6968 та (19 %).

Уездлар бўйича бўлинган ўртача ер нормаси Андижонда 15,5 танобни, Марғилонда 12,5 танобни, Наманганда 12 танобни, Қўқонда 11 танобни ташкил қилди.

Фарғона области бўйича ташкил этилган 770486 таноб ер фондининг фақат 369486 таноби ерсиз деҳқонларга тарқатилди, қолган 401000 таноби эса давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.

Ер-сув ислоҳотигача 1 танобдан 18 танобгача ерга эга бўлган хўжаликлар 86.47 фоизни ташкил қилиб, улар барча ерларнинг 43 фоизига эга эдилар. Ислоҳотдан кейин улар эғалик қилаётган ерлар 68 фоизга етди. 18 танобдан 36 танобгача ери бўлган ўртаҳол деҳқонлар ислоҳотгача 9,61 фоизни ташкил этиб, улар 20 фоиз ерга эғалик қилардилар. Ислоҳотдан кейин ҳам бундай ўртаҳол хўжаликларда 20 фоиз ер сақланиб қолди, лекин улардан нормадан ортиқча ерлар олиб қўйилиши эвазига бу каби хўжаликлар 3,92 фоизга қисқарди¹.

Ислоҳот натижасида кўпгина ер жамғармаси ташкил этилганига қарамай бу ерлар барча ерсиз ва кам ерли деҳқонларни тўлиқ ер билан таъминлаш учун етмас эди. Чунки, Фарғона водийсида аҳоли зич бўлиб деҳқончилик учун қулай ерлар жуда тақчил эди. Шу сабабли ҳам совет ҳукумати янги ерларни ўзлаштириш ғоясини илгари сурди. Ўзкомпартия Марказий комитети бу ишларни амалга ошириш мақсадида бир қанча партия ходимларини ва мутахассисларни Фарғона вилоятига юборди.

1925 йилнинг 30 июлида Фарғона област партия комитети пленумида ер-сув ислоҳотига тайёргарлик масаласи бўйича янги ерларни ўзлаштириш масаласини ҳам муҳокама қилиб вилоятда 35000 десятина янги ерларни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу ерларнинг 8000 десятинали Наманган уезида, 12000 десятинали Андижон уезида, 9500 десятинали Наманган уезида ва 5500 десятинали Қўқон уезида ўзлаштириш мўлжалланган².

Ҳақиқатан ҳам, Фарғона областининг айрим районларида ўзлаштириб деҳқончилик қилиш мумкин бўлган чўл ва дашт ерлари бор эди. Бу мақсадда Ёзёвон чўлидан 6223 гектар, Шаҳрихон районидан 9578 гектар, Балиқчи районидан 5116 гектар, Қорақалпоқ районидан 3103 гектар, Орол районидан (Сирдарё ўзанидаги орол) 1828 гектар ерни ўзлаштириш мўлжалланди.

Ўзлаштириладиган ерларни текислаш, ирригация ва мелиорация ишларини олиб бориш учун бу соҳанинг кўпгина мутахассислари жалб қилинди.

Ер-сув ислоҳоти бошланган даврда Ёзёвон чўлидан 1244 гектар (режадаги мўлжалнинг 20 фоизи), Қорақалпоқ чўлидан 589 гектар (режанинг 19 фоизи), Шаҳрихон районидан 5363 (режанинг 56 фоизи), Балиқчи районидан 4092 гектар (режанинг 80 фоизи), Оролдан 438 гектар (режанинг 24 фоизи) янги ер ўзлаштирилди. Дастлабки режада жами 25848 гектар янги ерларни ўзлаштириш мўлжалланган бўлиб, ер-сув ислоҳоти давомида 11726 гектар ер ўзлаштирилди ёки дастлабки мўлжалнинг 46 фоизи ўзлаштирилди³. Янги ерларни ўзлаштириш ер-сув ислоҳоти якунланганидан кейин ҳам давом этди.

Қайта тақсимлаш ер фондиги жами 23656,6 десятина янги ўзлаштирилган ер ҳам қўшилди. Давлат бу ерларни ўзлаштириш учун 1230772 сўм маблағ сарфлади. Бу ерлар қайта тақсимлаш ер фондининг салмоқли қисмини ташкил қилди⁴.

Фарғона области бўйича ерсиз ва кам ерли деҳқонларга қайта тақсимлаш учун турли манбалардан ташкил этилган ер фонди 136936 десятинали ташкил қилди. Бу ерларнинг 85950 десятинали деҳқончилик қилиш учун қулай ерлар, 50980 десятинали эса деҳқончилик учун ноқулай бўлиб, бу ерларда жиддий мелиоратив ишларни амалга

¹ Об итогах проведения и начале закрепления земельной реформы в Ферганской области. стр. 258.

² Фарғона вилоят давлат архиви, 127-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 73-варак.

³ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг) Ош, 1962. стр. 148-149.

⁴ Ўша асар. 150-бет.

ошириш лозим эди. Шу сабабли ҳам ташкил этилган ер жамғармасида деҳқончилик учун қулай бўлган ерлар барча ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш учун етмас эди. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Фарғона области учун битта хўжаликка тақсимланадиган ер нормасини 3 десятина қилиб белгилади.

Декретга мувофиқ ер, иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари қуйидаги кўринишда ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимланди: Мусодара қилинган ерлар бу ерда чорикор ёки ижарачи бўлиб ишлаган деҳқонларга биринчи навбатда тақсимланди. Лекин бу ерлар барча ерсиз деҳқонларга етмаганлиги учун, ерсиз деҳқонларнинг аксари қисми янги ўзлаштирилган ҳудудлардан ер олдилар.

Хуллас, ер-сув ислоҳоти натижасида Фарғона водийси бўйича ташкил этилган ер жамғармасини қайта тақсимлаш оқибатида 31845 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди, шунингдек янги ўзлаштирилган ерларда 10814 деҳқон хўжалиги ташкил топди. Улардан 4974 таси Шаҳрихон районида, 3396 таси Балиқчи районида, 1337 таси Ёзёвонда, 569 таси Қорақалпоқ даштида, 538 таси Орол ҳудудида ташкил этилди. Бутун Фарғона водийси бўйича жами 42659 ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ер берилди.

2.2. «Кулоқ» хўжаликларини иқтисодий чеклаш сиёсати

1925-1929 йиллар ислоҳоти, хусусан 1925-1926 йиллардаги Фарғона водийсидаги ислоҳот кўринишлари оммавий коллективлаштириш йилларида амалга оширилган «кулоқлаштириш» сиёсатини маълум даражада бошлаб берган эди. Ислоҳотни ўтказиш жараёнида худди «буюк бурилиш» даврида бўлгани каби шахсий ўч олиш, зўравонлик кўрсатиш каби кўпдан-кўп ҳолларга йўл қўйилди. Бунда совет ҳокимиятининг шу йиллардаги барча органлари учун хос бўлган «инқилобий-бюрократик» тафаккур мантиғига мувофиқ миқдорий кўрсаткичлар ортидан қувиш, «экспроприация» қилинадиганлар рўйхатига иложи борича кўпроқ хўжаликларни киритишга интилиш авж олиб кетди. Масалан, агар дастлабки режага кўра 1925 йилда бутун Фарғона вилоятида 155 та хўжаликни тугатиш мўлжалланган бўлса, 1926 йилнинг 15 январига келиб режадаги мўлжаллар 3,5 баравардан кўпроқ бўлиб чиқди. Тугатилган хўжаликлар сони 575 тага етди¹.

Ер-сув ислоҳотининг бутун «синфий зарбаси» кучи гўё йирик ер эгалигига қарши, «помешчик» типидagi хўжаликларни тугатишга қаратилган эди. Бироқ, ҳақиқий ҳаёт бу хилдаги талқинни рад этарди.

Албатта, Ўзбекистонда йирик ер эгалиги бор эди. Масалан, 1925 йилда ЎзССР ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан ҳисобга олинган Андижон уездидаги Сотиболди қозининг 800 десятина суғориладиган ери бўлган. Ургут туманидаги бир эшоннинг 250 десятина, Ўратепа волостидаги баъзи бир хўжаликларнинг 90 десятинадан 136 десятинача ери бўлган. Бироқ бу каби хўжаликлар Ўзбекистонда бармоқ билан санарли даражада жуда оз эди. Большевиклар тасавуридаги Россиядаги каби «помешчик»лар республикада йўқ эди. «Инқилобдан олдинги» Туркистон худудида помещчик ер эгалиги умуман тарқалмаган, мазкур тоифага киритилган хўжаликлар эса асосан 1918 йилдаёқ тугатилган эди. 1925-1929 йиллар давридаги ислоҳотларнинг боришида ери тортиб олинган хўжаликлар ер участкаларининг ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар бўйича мутлақо помещчик хўжаликлари тоифасига киритилиши мумкин эмасди. Лекин шартли равишда (маҳаллий ўзига хосликни эътиборга олганда) уларни кўпроқ кулоқ хўжаликлари билан қиёслаш мумкин эди. Чунки «инқилобдан олдинги» Россиядаги ўртача помещчик хўжалиги қарийб 500 десятина ҳайдаладиган ерга, кулоқ хўжалиги эса 16-20 десятина ерга эга эди. Ўрта Осиё минтақасида (округига қараб) 10-15 десятина ерга эга бўлган хўжалик бой хўжалиги ҳисобланар эди. Аслида, Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти ана шу бой деҳқонлар ёки кулоқ хўжаликларига қарши қаратилган эди. Ўзбекистондаги 1925-1929 йиллар ислоҳоти принцип бўйича Россиядаги 1918-1919 йиллардаги кулоқларни экспроприация қилиниши вазифасини бажарди².

Ислоҳот даврида «кулоқ», «кулоқ қилиш» деган атамалар кенг ишлатилди. «Кулоқ»ларга нисбатан ўринсиз нафрат туйғуси ҳам шу даврдан юзага келди. «Кулоқ» (русча кулак – муштум сўзидан) деган ибора асли Ўзбек халқида умуман бўлмаган ва қўлланмаган. Бу сўз сунъий равишда ўзбек қишлоғига ҳам олиб кирилди. Россияда «инқилоб»дан аввал ижарахўрлик ва далоллик қилиб кун кўрувчи муттахам, виждонсиз қишлоқ олибсотарлари кулоқ деб аталган. Бунақалар рус қишлоқларида битта-яримта бўлар эди. Большевиклар 1917 йилдаёқ уларнинг эркин фаолиятига чек қўйгандилар. Кейинчалик советлар бу сўзнинг асл маъносини ўзгартириб, зарурат туфайли ёлланма меҳнатдан фойдаланган деҳқонларни ҳам кулоқ деб атай бошладилар. Кулоқ атамаси пуфлаб шиширилиб 1925 йилга келганда хўжалиги, меҳнати ва шунчаки дунёқараши мустақил мустақил бўлган деҳқон борки, барчасига шу тамға ёпиштирилаверди. Бу маъно расмий тилга ҳам, адабиётларга ҳам кўчирилди. Жумладан, кенг омма учун мўлжалланган комусларда кулоқ сўзига шундай таъриф берилган: «Кулоқлар - қишлоқ буржуазияси. Кулоқлар – йирик ер эгалари, ижарачилар, қишлоқда батрак, камбағал деҳқонларни эксплуатация қилувчи қатлам. Ленин ибораси билан айтганда «энг ваҳший, энг ёввойи

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. Т., «Фан», 1971. 460-461-бетлар.

² Аминова Р.Х. Коллективизация: как это было? – «Коммунист Узбекистана», 1989, № 9. стр. 79.

эксплуататор синф»¹. «Кулоқлар капитализмга қадар товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида шаклланган ва ўз қўлларида катта ерларни тўпладилар. Деҳқонларнинг унча кўп бўлмаган қисмини ташкил қилган, бироқ энг кўп сонли капиталистик ер эгалари ва эксплуататорлар бўлган»². «Кулоқлар улуғ октябрь инқилобини душманлик билан қарши олдилар. 1927 йилга келиб кулоқ хўжалиги 1 миллиондан ортиқ эди. Кулоқлар советлар ва колхозларга қарши агитация олиб борди, улар 1927-1928 йилларда ғаллани давлатга белгиланган нархларда сотишдан бош тортдилар»³.

1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳотини Россиядаги ёппасига коллективлаштириш йилларидаги кулоқлаштириш сиёсатига қиёсласа бўлади. Ислоҳот давомида бир қатор хатоликлар ва зўравонликларга йўл қўйилди. Экспроприациянинг ноиқтисодий методларидан ҳам фойдаланилди. Ислоҳотни ўтказиш жараёнида Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида жами 15198 та хўжалик тамоман тугатилди. Улардан 594 таси «помешчик» типидagi хўжаликлар, 1001 таси йирик савдогарлар, 13603 таси «кулоқ» хўжаликлари деб аталди. Тугатилган 594 «помешчик» хўжалигидан 365 таси Фарғона вилояти бўйича ташкил этди. Уларнинг айримлари кишлоқларда, айримлари эса шаҳарларда истиқомат қилардилар. Тугатилган 365 «помешчик» хўжалигидан 24646 десятина ер мусодара қилиб олинди. «Кулоқ» хўжалиги деб топилган 4412 хўжаликдан эса нормадан ортиқча деб ҳисобланган 28814 десятина ер тортиб олинди.

Тугатилган хўжаликлардан ер билан бирга от-улов ва бошқа кишлоқ хўжалик асбоблари ҳам тортиб олинди ёки арзон гаровга мажбурий равишда сотиб олинди. Фарғона вилояти бўйича ислоҳот давомида тугатилган хўжаликлардан 2334 бош иш ҳайвони тортиб олиниб, иш ҳайвони йўқ хўжаликларга тарқатиш фондига киритилди. Бу иш ҳайвонларининг 1480 таси буқа, 801 таси от, 34 таси эшак ва 19 таси туя эди. Шунингдек, 1692 бош иш ҳайвони тўқ хўжаликлардан мажбуран сотиб олинди.

Ер-сув ислоҳоти ўзининг бутун моҳияти билан бадавлат, ўзига тўқ хўжаликларни чеклаб қўйиш ва кишлоқда синфий курашни авж олдиришга қаратилган эди. Бу йўл кишлоқ аҳолисининг кўпроқ даражада бозорга қараб иш юритадиган бадавлат табақаларини ўринсиз равишда чеклаб қўйиш, шунингдек ислоҳотни ўтказиш пайтида ўйламай-нетмай ва ҳаддан ошиб чоралар кўриш билан ифодаланди. Ислоҳот давомида кишлоқнинг бадавлат қатламлари кескин қисқариб, улар барча деҳқон хўжалиklarининг 1,4 фоизини ташкил этди⁴. Булар ҳам асосан 5-7 десятина ерга эга бўлган, лекин етарли даражада ишчи кучи, иш ҳайвони ва меҳнат қуролларига эга бўлмаган деҳқонлар эди.

Ислоҳот аввалида ўртаҳол деҳқонларга бирмунча эътибор берилган эди, сабаби улар ислоҳотни ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан кутиб олган эдилар, чунки улар ислоҳот натижасида ўзларининг чек ерларидан ажраб қолишдан чўчир эдилар. Ҳолбуки, ўртаҳол деҳқонлар кишлоқда асосий куч бўлиб, ислоҳотнинг бутун бориши ўртаҳол деҳқонлар қайси табақадан келиб чиққанига ва қайси қатламларга қўшилишига боғлиқ эди. Шу сабабдан ҳам большевиклар ўртаҳол деҳқонларга устамонлик билан муносабатда бўлди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, партия уларни ўз томонига оғдиришга интилди. Ўша даврдаги партия ҳужжатларига ўрта қатламларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишни намоиш қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Ўртаҳол деҳқон «иқтисодий ривожлантиришда ва ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини амалга оширишда асосий, марказий фигура» деб эълон қилинди. Уни мулкый манфаатлардан халос қилишга доир чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, республика бўйича ўртача «меҳнат учун ердан фойдаланиш» нормаси 4 десятина қилиб белгиланди. Хўжаликда иккита отга эга бўлишга рўхсат этилган эди⁵.

¹ +аранг: Малай Советская энциклопедия. 5-том. Москва, 1959. стр.227.

² Советская историческая энциклопедия. 8-том. Изд. «Советская энциклопедия», Москва, 1965. стр. 262-265.

³ Ўзбек Совет энциклопедияси. 14-том. Т., 1980. 240-бет.

⁴ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992. стр. 104.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 331-бет.

Ислохот дастурида ўртаҳол деҳқонларнинг манфаатларини ижобий таъминлаб беришга доир аниқ йўл-йўриқ, кўрсатмалар бўлишига қарамай, ислохотни ўтказиш чоғида бир қанча жойларда ўртаҳол ва ҳатто камбағал деҳқонлар «қулоқ» ҳисобланиб уларнинг ерлари ва асбоб-ускуналари тортиб олиншига йўл кўйилди.

Ислохотнинг яққол ифодаланган синфий йўналиши, уни ўтказишда экстремистик тажрибага асосланиш, қишлоқдаги сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштирди. Ҳамма томондан таъқиб остига олинган бадавлат деҳқонлар ер комиссиясига қаршилик кўрсатишар, ер ва қишлоқ хўжалик асбобларини яширишар, қўлларида қурол билан ислохотга қарши курашардилар. Қишлоқнинг бадавлат қатламлари Ўз ерларини сақлаб қолиш учун турли хийла-найранглар ҳам ишлатдилар. Яъни, айрим кўп ерли кишилар ислохот бошланмасданок, ислохотдан кейин қайтариб бериш шарти билан ерларини чорикорларга тақсимлаб бердилар.

Давлатнинг бутун қудрати «қулоқ-бой унсурлар»га қарши курашга қаратилди. Масалан, 1926 йилда ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Комитети Жиноят кодексининг 80-моддасига қўшимча киритди, унда ер майдонини яширган ёки қишлоқ хўжалик асбоблари сони ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун 3 йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилиниши назарда тутилган эди. Бу ишларнинг барчаси Адлия халқ комиссарлигининг махсус расмий хатига кўра «ниҳоятда шошилиш ва ҳеч қандай навбатсиз» қараб чиқилар, улардан энг характерлилари намуналар суд жараёнларида кўрилар эди.

Тугатилган хўжаликлар қаторига ёлланма меҳнатдан фойдаланган кўпгина ўртаҳол деҳқонлар ҳам тушиб қолди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон шароитида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш Россиядагичалик деҳқоннинг ижтимоий тааллуқлилигини белгиловчи омил бўлмас эди. Сунъий суғориш шароитида, қўл меҳнатига асосланган, мавсумийлик юқори даражада бўлган пахта етиштириш жуда кўп иш талаб қиладиган машаққатли меҳнат эди. Шу боис, қизғин паллада фақат ўртаҳолгина эмас, камбағал деҳқонлар ҳам ёрдамчи ишчи кучи ёллашга мажбур бўлар эди.

Ислохот давомида бир қатор адолатсизликларга йўл кўйилди, деҳқонларга нисбатан зўравонлик қилинди. Қулоқ ва бой хўжаликлар сифатида йўқ қилиб юборилган хўжаликларнинг каттагина қисмини ўртаҳол, ўз меҳнати билан кун кечирувчи деҳқонлар ташкил этган эди. Уларнинг аксариятига советларнинг ўзи кеча ер тақсимлаб бериб, бугунга келиб уларни қулоқларга айланттирди.

1927-1928 йиллардан эътиборан бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик усул-амалларига ўтиш тобора ошқора тус ола бошлади. 20-йилларнинг охирида янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиши кооперация тизимининг емирилиб кетишига олиб келди. Компартия қишлоқ хўжалигини бошқаришни давлат қўлига ўтказиш йўлини танлади. Бу даврга келиб яқка бош диктаторга айланган Сталин партияни майда товар ишлаб чиқарувчи укладга қарши қўя бошлади. Бунда ҳам асосий зарба аграр секторнинг асоси бўлган ўртаҳолларга қаратилди. Партия ва ҳукумат ҳар томонлама ўртаҳол деҳқон хўжаликларини сиқувга ола бошлади. Хўжаликнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар - хўжаликнинг яхшиланиши, иш ҳайвонлари ва меҳнат жиҳозларининг кўпайиши ҳам деҳқонларга қулоқ деб ҳисобланиш хавфини солиб қўйди. Қишлоқда хўжаликни ривожлантирмаслик кайфияти ҳукмрон бўлиб қола бошлади.

1925-1927 йилларда бутун мамлакатда қишлоқнинг ижтимоий тузилиши ва хусусиятини муҳокама қилишга доир баҳслар кучайиб кетди. “Қулоқ”лар масаласи кун тартибида биринчи ўринга чиқди. “Кимни қулоқ деб ҳисоблаш лозим?”, “Қулоқ нимадан бошланади?” каби саволлар матбуотда ва сиёсий доираларда тез-тез тилга олина бошлади. Бу масала ВКП(б) XIII ва XIV съезларида ва марказқўмнинг 1924 йил октябридаги пленумида ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Сиёсий бюро аъзоларидан Бухарин, Риков ва Томскийлар мунозараларда «қулоқ» ларни ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар саноат учун маблағларни қисқартириб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни ва бу асосда саноатни тиклашни таклиф қилган эдилар. Бу

ғоя ВКП(б) нинг XV съездида, РКП(б) XIV конференциясида, шунингдек, 1925 йил май ойида бўлиб ўтган Советларнинг Бутуниттифоқ III съездида қўллаб-қувватланди. Бироқ, партконференция ва съезднинг бу масаласи бўйича қабул қилган қарорлар бажарилмади. Компартиядаги «сўл оғмачилар»-муҳолифатчилар «қулоқлар хавфи» ҳақида бонг уриб чиқдилар. Уларнинг мақола ва суҳбатларида қулоқлар шиддат билан ортиб бораётганлиги, бу социализм учун даҳшатли хавф солаётганлиги тилга олина бошлади. Улар 1926 йилда мамлакатда қулоқ хўжаликлари барча деҳқон хўжалиқларининг 6-7 , Ҳатто 10-12 фоизига ерганини ёзган эдилар¹. Аслида «қулоқлар хавфи» бу қадар ваҳимали эмас эди. СССР Халқ Комиссарлари Советининг солиқ нормаларини ўрганувчи комиссияси малумотларига кўра 1925-1927 йилларда бутун мамлакат бўйича «қулоқ» хўжаликлари 728 мингдан 896 минггача кўпайган. Уларнинг умумий қишлоқ хўжалигидаги салмоғи 3,3 фоиздан, 3,9 фоизгача кўтарилган². Бу янги иқтисодий сиёсат йилларидаги капиталистик товар ишлаб чиқариш хўжалигининг қишлоқдаги ижобий натижаси эди. «Қулоқ» хўжаликлари янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қолоқ меҳнат воситалари билан бўлсада юқори натижаларга эришаётган эдилар.

1927 йил декабрида бўлган ВКП(б) нинг XV съезди мамлакат қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ғоясини илгари сурди. Кўпчилик коммунистларнинг фикрича, фақат йирик жамоа хўжалиқларигина социалистик қурилишни таъмин эта олар эди. Съездда коллективлаштириш ва деҳқонларга нисбатан ўзгача бир сиёсат олиб бориш ҳақида аниқ бир қарор қабул қилинмади. Съезд қарорларида фақатгина «йирик жамоа хўжалиқларига ўтиш деҳқонларнинг хоҳиш ва ихтиёрига кўра амал қилинади» деб таъкидланган эди³. Қулоқлар масаласида съездда қабул қилинган қарорлар асосан эксплуататорлик имкониятларини изчил ва босқичма-босқич чеклаш ва қулоқликни иқтисодий усуллар билан йўқотишга қаратилган эди. Съезд қарорларида шаҳар ва қишлоқларда капиталистик унсурларни «агар улар абсалют ўсиш ҳолатида бўлса» чеклаш вазифаси қўйилди. Бу сиёсий тадбирни амалга оширишда маҳаллий партия раҳбарлари «салла ўрнига калла келтириш» қабилида иш тутдилар. «Қулоқ»ларни сиёсий жиҳатдан чеклаш уларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишда намоён бўлди. Кўп ҳолларда қулоқ деҳқонлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

Андижон туманида яшовчи оқсоқол Тўхтажон Мулла Йўлдош Андижон округ сайлов комиссиясига 1926 йил 4 мартда ёзган аризасида қуйидагиларни баён этди:

«Мен Тўхтажон Мулла Йўлдош 30 йиллик умумий меҳнат стажига эгаман. 11 таноб ерим бор. Аммо ёшим ўтиб қолгани, бу ерда якка ўзим ишлаш имконияти йўқлиги сабабли ёлланма ишчи кучидан фойдаланган эдим. Ёлланма ишчи кучидан фойдаланган эксплуататор деган айблов билан мени сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Бу масалани адолат кўзи билан қараб, ижобий ҳал қилиб беришингизни сўрайман.»⁴

Компартиянинг кооперациялар орқали юритган синфий сиёсати деҳқон хўжалиқларини кредит билан таъминлаш масаласида ҳам турли ижтимоий гуруҳларга турлича муносабатларда намоён бўлди. Кооперациялар ўртаҳол ва нисбатан бадавлат деҳқон хўжалиқларини кредит билан таъминлашда чеклаш сиёсатини қўллади. «Узсельхозбанк»нинг 1926-1927 йиллардаги тадқиқоти маълумотларига кўра 13621 аъзога эга бўлган мавжуд 24 кредит ҳамкорлиги кредитларни ижтимоий гуруҳлар бўйича қуйидагича тақсимлаган:

Камбағал ва камқувват хўжалиқларга барча кредит суммасининг 69,7 фоизи ва қарз суммасининг 73,9 фоизи берилган. Ўртаҳол хўжалиқларга кредит суммаларининг 29,3 фоизи ва қарз суммасининг 25,4 фоизи, «қулоқ» хўжалиқлари учун эса кредитнинг 1,0

¹ Данилов В. Коллективизация. В кн. «Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. М., Политиздат», 1989. стр. 364.

² Ўша асар. 365-бет.

³ КПСС в резолюциях... М., 1984. Т.4, стр. 299.

⁴ Андижон вилоят давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 77-иш, 42-варак.

фоизи ва қарзнинг 0,7 фоизи берилган¹. 1928-1929 йилларда ҳам қишлоқ хўжалигини кредит билан таъминлашда синфий айирмачиликка қаттиқ риоя қилинди. Бу йилларда «қулоқ» хўжаликларига берилаётган қарзлар миқдори мамлакат бўйича 0,9 фоиздан 0,5 фоизгача қискарди. «Қулоқ» хўжаликлари берилган кредитлар учун камбағал деҳқонларга нисбатан бир ярим баравар кўп фоиз тўлаганлар.

1928 йил 7 сентябрда СССР Халқ Комиссарлари Советининг «Қишлоқ камбағалларига хўжалик ёрдами кўрсатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди. Бу қарорни амалга ошириш натижаларига кўра қишлоқ хўжалик кооперацияларига аъзо бўлган «қулоқ» хўжаликларига давлат ссудалари берилиши 42,4 фоиздан 24,9 фоизга қискарди. Бу ҳолат қулоқларни қишлоқ хўжалик кредити тизимидан сиқиб чиқариш йўлидаги тадбир бўлди.

Бадавлат «қулоқ» хўжаликларидан олинаётган солиқлар миқдори ҳам узлуксиз ортиб борди. Бу тадбир ҳам «қулоқ» ларнинг имкониятларини чеклашда муҳим асос бўлди. 1924-1925 хўжалик йилида «қулоқ» хўжаликлари жами қишлоқ хўжалик солиқларининг 17 фоизини тўлаган бўлсалар, 1925-1926 хўжалик йилида бу миқдор 21 фоизга кўтарилди².

ВКП (б) МК нинг 1926 йил апрель пленумида қабул қилинган «хўжалик ҳолати ва хўжалик сиёсати ҳақида» қарорида бадавлат «қулоқ» хўжаликларидан олинadиган солиқ миқдорини тобора ошириб бориш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу қарорга кўра 8 фоиз бадавлат хўжаликлар барча қишлоқ хўжалик солиғи суммасининг 34 фоизини тўлаши лозим эди³.

Солиқ тизимидаги бундай ноҳақликлар туфайли жуда кўп деҳқонлар солиқ ва маъмурий суд жазоларини кўтара олмай ўз хўжалиklarини ташлаб кета бошладилар. Буни улар камбағаллар тоифасига ўтиш учун қилишар эди. Улар камбағаллар тоифасида осон бўлади деб ҳисоблардилар.

Хуллас, «қулоқ» хўжалиklarини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чеклаш ва турли йўллар билан сиқувга олиш йилдан-йилга кучайиб борди. Қулоқларнинг фақат даромадларигагина эмас, уй-жойлари ва хайвонларидан ҳам катта миқдорда солиқ олинди. Ўзкомпартиянинг 1927 йил ноябрь ойида бўлган III сездидида ҳам «қулоқ» хўжалиklarини солиқлар миқдорини ошириш воситасида сиқувга олиш» зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди⁴.

Умуман, совет ҳукуматининг ер-сув ислоҳоти давридаги қишлоқда олиб борган сиёсати аввало қишлоқда ижтимоий қатламлар ўртасида синфий зиддиятларни авж олдириш ҳамда ўзига тўқ хўжалиklarни ҳар тарафлама чеклаш ва сиқиб чиқаришга қаратилди. Бу сиёсат турли кўриниш ва усулларда олиб борилди.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш арафасида ўзбек қишлоғида «қулоқ» хўжалиklarига нисбатан олиб борилаётган сиёсат қатағончилик кўринишларини ола бошлаган эди.

¹ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Т., Госиздат УзССР, 1950. стр. 51.

² Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. М., Политиздат, 1976. стр. 248.

³ Ўша асар. 249-бет.

⁴ Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. Т., «Фан», 1971. 472-бет.

2.3. Қишлоқдаги мулкдорлардан ер-мулкларнинг тартиб олиниши

Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлган 1925-1929 йиллар аграр ислоҳоти ўз мазмуни ва пировард оқибатларига кўра зиддиятли тусда эди. Ислоҳот натижасида, бир томондан, ерсиз камбағал деҳқонларнинг бир қисми ерга эга бўлиб, ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, иккинчи томондан, асрлар мобайнида ўзбек қишлоқларида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий кадриятлар бузилишини бошлаб берди. Натижада ислоҳот ўзбек қишлоқларининг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилишига ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар Фарғона водийси учун ҳам даҳлдор эди.

Фарғона водийсидаги ер-сув ислоҳоти натижасида қишлоқдаги ижтимоий қатламлар таркибида куйидагича ўзгаришлар юз берди: Ислоҳотга қадар водий бўйича 9555 та ерсиз деҳқон хўжаликлари бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин ерсиз деҳқонлар деярли қолмади. 0,5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 13193 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин бундай хўжаликлар 975 тани, 0,5 десятинадан 1 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 5145 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 3622 тани, 1 десятинадан 1,5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 2081 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 5108 тани, 1,5 десятинадан 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 997 та бўлган бўлса, ислоҳотдан кейин 6646 тани, 2 десятинадан 3 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ислоҳотгача 699 та бўлган бўлса ислоҳотдан кейин 9481 тани ташкил этди¹.

Юқоридаги маълумотдан кўриниб турганидек, ислоҳот ерсизликка барҳам берди, кам ерли деҳқон хўжаликлари сезиларли равишда қисқарди. Ислоҳот натижаларида Фарғона водийси бўйича деҳқон хўжаликлари тақсимланган ўртача ер нормаси 2,2 десятинани ташкил қилди.

Ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаш фондига бадавлат деҳқонлардан мусодара қилинган ёки мажбуран сотиб олинган 2334 та иш ҳайвони тўпланди. Иш ҳайвони билан тамоман иш ҳайвони бўлмаган хўжаликлар ва 1,5 десятинадан кам бўлмаган ерга эга деҳқон хўжаликлари биринчи навбатда таъминланди. 9 танобдан кўп ерга бўлган хўжаликлар учун бир хўжаликка битта от ёки хўкиз берилди, 6-9 танобгача ери бор хўжаликларга икки хўжалик учун битта от ёки хўкиз берилди². Кўриниб турганидек, бадавлат хўжаликлардан мусодара қилинган иш ҳайвонлари иш ҳайвони бўлмаган барча хўжаликларни таъминлаш учун етмаган. Шу боисдан ҳам иш ҳайвони бўлмаган, 6 танобдан 12 танобгача ери бўлган айрим хўжаликларга иш ҳайвони эга бўлиши учун 85 сўмдан пул берилди. Иш ҳайвони эга бўлган хўжаликларга давлат томонидан ем-ҳашак учун маълум миқдорда маблағлар тарқатилди. Ери 1,5 десятинадан кам бўлган хўжаликларга иш ҳайвони берилмади, бундай хўжаликларга ерларини ҳайдатишлари учун 13 сўмдан пул берилди.

Марказий ер-сув комиссиясининг кўрсатмаси бўйича, ер, иш ҳайвони билан бирга муҳтож хўжаликларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ҳам берилди. Жумладан, муҳтож хўжаликларга 422 та ўроқ, 526 та омов, 833 та кетмон ва 306 та арава тарқатилди. Давлат томонидан кўпгина хўжаликларга қишлоқ хўжалик асбобларини сотиб олишлари учун 261875 сўмлик кредит тарқатилди³.

Фарғона водийси бўйича ер тақсимланган 9416 деҳқон хўжаликлари уруғлик сотиб олишлари учун 181225 сўмлик кредит берилди. Унинг 104231 сўмини натура кўринишида, 76234 сўми пул ҳисобида берилди. Янги ўзлаштирилган ерларни шудгор қилиш учун давлат 412 та трактор ажратди, уларнинг 312 таси Фарғона водийсига берилди. 1926 йилда Фарғона водийсида тракторлар ёрдамида 15800 десятина ер ҳайдалди. Янги ўзлаштирилган ҳудудларда аҳолининг эҳтиёжлари учун турар жойлар,

¹ Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) Ош, 1962. стр. 152.

² Ўша асар. 153-бет.

³ Ўша асар. 154-155-бетлар.

мактаб, касалхона ва бошқа зарур муассасалар барпо этиш учун давлат катта миқдорда маблағлар сарфлади. Умуман, Фарғона водийсида ер-сув ислохотини ўтказиш, янги ерларни ўзлаштириш, деҳқон хўжаликларига турли эҳтиёж лари учун кредитлар бериш мақсадлари йўлида давлат жами 6 миллион 132 минг 490 сўм маблағ сарфлади¹.

Аграр ислохот натижасида кўпгина камбағал хўжаликлар ер олгач, фаол товар ишлаб чиқарувчиларга айландилар, хўжалик юриштининг натура шаклларида бозор шаклларига ўта бошладилар. Ўртаҳол деҳқонларнинг хўжалик самарадорлиги кўтарилди. Буларнинг барчаси республика кишлок хўжалигининг товар даражасини ўсишига, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари, қисман бўлсада ривожланишига ёрдам берди.

Шу билан бирга аграр ўзгаришлар стратегиясига синфий-мафкуравий ёндашув сиёсати ер ислохотидаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга йўл қўймади. Хусусан, у сақланиб қолган «феодал-патриархал» муносабатларга зарба берган бўлсада, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан тўлиқ таъминлай олмади. Ислохот жараёнида шаклланган кам қувватли хўжаликлар тортиб олинган 474893 десятина ер фондидан бор-йўғи 10 фоизини олдилар, ҳолос². Камбағаллар қатлами ислохотдан кейин ҳам кўпчилиқни, умумий деҳқон хўжаликларининг 37,6 фоизини ташкил этарди. Мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми эса колхоз ва совхозларга берилди. Ислохот давомида Ўзбекистонда 522 та колхоз ташкил қилинган эди.

Ер-сув ислохоти яъни унинг миллийлаштирилиши (национализация) илгаридеги кишлок хўжалигидаги ўзгаришларга материал асос бўлиб хизмат қилди. Ислохот тамомлангандан кейин кишлок аҳолисининг бадавлат қатлами улуши кескин қисқариб, 1,4 фоизга тушиб қолди. Булар асосан 5-10 десятина ерга эга бўлган ва шу билан бирга ишчи кучи, от-улов ва кишлок хўжалик асбоблари билан етарли даражада таъминланмаган деҳқонлар эди.

«Кулок» хўжаликларининг тугатилиши ва чекланиши кишлокни қашшоқлаштириб қўйди. Фермерлик, умуман тадбиркорлик фаолиятлари бўғиб қўйилди, кишлокдаги иқтисодий ривожланиш асоси бўлган товар-бозор муносабатлари тўхтатиб қўйилди³.

Ислохот жараёнида ерни ижарага олишнинг мавжуд иқтисодий имкониятлари сезиларли равишда секинлашди. Ерни ижарага олишнинг синфий жиҳатдан қоралаш йўли шунга олиб келдики, у амалда барҳам топа бошлади. Масалан, ислохотга қадар 42,5 фоиз хўжалик ерни ижарага олган бўлса, ислохотдан кейин бор-йўғи 5,7 фоиз хўжалик ерни ижарага оладиган бўлди. Аммо иш ҳайвонлари ва иш қуролларини ижарага олиш кўрсаткичлари кескин ошди. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ислохотга қадар 7,1 фоиз хўжалик иш ҳайвонини ижарага олган бўлса, ислохотдан кейин бу миқдор 15,1 фоизни ташкил қилди⁴. Бунинг сабаби шуки, ислохот мобайнида деҳқонларга ер тақсимлаб берилгани ҳолда, улар етарли даражада иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари билан таъминланмадилар. Бунинг устига ислохот даврида кўплаб деҳқон хўжаликлари ўз иш ҳайвонларини ҳукумат сиёсатидан норози бўлиб сўйиб юборган эди.

Ислохот ўзбек кишлоғи аҳолисининг диний кайфиятига салбий таъсир кўрсатди. Вақф ерларининг мусодара қилиниши, улар мачитлар, мадраса ва мактабларни иқтисодий жиҳатдан таъминловчи восита эканлигини ҳисобга олмаслик мусулмонлар диний ҳис-туйғуларини таҳқирлашга олиб келди. Бунинг устига диний муассасаларнинг иқтисодий негизига путур етказилиши, рухонийларнинг жамият ҳаётидаги ролини пасайтириб юборди. Диний масаладаги сўл оғмачилик нафақат диний арбоблар, шунингдек, диндор деҳқонларнинг ҳам ижтимоий норозилигини кучайтирди.

Совет ва комфирқа раҳбарлари туб ерли халқнинг минг йиллар мобайнида шаклланиб қарор топган миллий урф-одатлари ва кадриятлари билан ҳисоблашмади ва

¹ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг) Сборник документов. Стр. 259-260.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 334-бет.

³ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. Стр. 103-104.

⁴ Советское крестьянство. М., «Наука», 1973. стр. 199.

назар-писанд қилмади. Маъмурларнинг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари қишлоқ аҳолисининг жуда кенг қатламлари орасида, ҳатто деҳқонларнинг энг камбағал қисмлари орасида қораланди. Советларнинг ер-сув ислоҳотини маҳаллий халқ томонидан қабул қилмаслик ҳоллари кўп жойларда қайд қилинган. Жумладан, Мустафо Чўқай бундай ёзади: Октябрнинг ўн йиллик байрами нишонланиши арафасида Ўрта Осиё бюросининг «За партию» нашри 1927 йил сентябрь сониде камбағал туркистонликларнинг ўзларига бўлиб берилган томорқаларни аввалги эгаларига ўз хохишлари билан қайтариб беришгани ҳақидаги бир қанча ходисаларни келтирган. Ҳатто, ерларни зўрлик билан маҳаллий ҳокимият тазйиқида бўлиб бериш ҳоллари ҳам юз берган. Баъзида эса ер олган деҳқонлар ернинг аввалги хўжайини олдиға бориб, «ерингизни бўлиб беришгани учун мен айбдор эмасман» деб узр ҳам сўрашган¹.

Андижон округи Андижон райони қишлоқ хўжалик техник назоратчиси Н.Музиченко 1928 йил 24 майда округ молия бўлимиға берган маълумотномасида райондаги Шўро, Найман, Оқёр, Бўтақора қишлоқ Советларида баъзи деҳқонлар ўзларига бўлиб берилган ерларға экин элмаётганликларини, ерлар ўз холиға ташлаб қўйилганлигини ёзган. Деҳқонларға биров томонидан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмагани ҳолда ердан фойдаланилмаётганлиги сабабини тушуна олмаган техник назоратчининг маълумотномасида қайд этилган².

Ер-сув ислоҳотидан кейин ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам ўсиб борди. Совет ҳукумати 1925 йил апрелида «Деҳқон хўжаликларида ёрдамчи ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг вақтинчалик қоидалари»ни қабул қилган бўлиб, бу қонун маълум даражада ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг ўсишиға таъсир кўрсатди.

Республикада 1929 йилға қадар, яъни ёппасиға коллективлаштиришға қадар қишлоқ хўжалигида батрақлар сони ҳам ортиб борди. Марказий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 1928 йилда республика аграр секторида 340 минг батрақ меҳнат қилган. Ерсиз, иш қуролисиз чорикорлар ва мардикорларнинг 20 фоизида ҳеч қандай мулк йўқ эди, улар меҳнати эвазига топган маблағиға кун кечирган.

1927 йилда кооперацияларға бирлашган деҳқон хўжаликлари салмоғи республика бўйича 55 фоизни ташкил қилди, 1929 йилда эса унинг миқдори 81 фоизгача кўтарилди. Ислоҳот йирик ер эгалигини тугатиб, майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалиқларни шакллантирди. Республикада пахта кооперациялари шиддат билан ривожланиб борди. 1927 йилда Ўзбекистонда 386 та пахта кооперациялари бор эди. Бироқ тузилган кооперациялар ҳам, колхозлар ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш муаммосини тўла ҳал қила олмади. Лекин бу даврда ташкил этилган колхозлар оммавий коллективлаштириш давридаги колхозлардан кескин фарқ қилар эди. Бу хўжалиқлар бошқа турдаги хўжалиқлар билан ёнма-ён эркин рақобат шароитида ташкил қилинган эди. Деҳқонларнинг яқка хўжалиқдан коллектив хўжалиққа кириши ҳам ихтиёрий асосларға бўйсунар эди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида компартия «ҳарбий коммунизм» давридаги коммуналардан воз кечиб, кооперациялар йўлидан борди. 1928 йилда республикада фақат 2 та коммуна бор эди, холос. Шу йили республикада колхозлар ва совхозлардан ташқари 565 та ерга ишлов берувчи артель ҳамда 166 та ерга ишлов бериш ҳамкорлиги (ТОЗ) фаолият кўрсатди. Улар ҳам асосан камқувват, майда хўжалиқлардан ташкил топган бўлиб, битта колхозда ўртача 12 та хўжалиқ бирлашган эди. Колхозларға асосан батрақлар ва кам ерли деҳқонлар аъзо бўлардилар.

Коммунистик партиянинг ер-сув ислоҳотини ўтказишдан мақсади камбағал деҳқон хўжалиқларини ер билан таъминлаб, унинг иқтисодий аҳволини яхшилаш эмас эди. Унинг асосий мақсади, аввало қишлоқда «социалистик ижтимоий тузум»нинг моддий асоси бўлган жамоа бўлиб хўжалиқ юритиш шаклларини ривожлантиришдан иборат эди. У деҳқонларнинг ерга, меҳнат асбобларига, иш ҳайвонларига, кредитға бўлган эҳтиёжини кондириш ўрниға жамоа хўжалиқлари ташкил этиш суръатларини жадаллаштиришға,

¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. Андижон, «Мерос», 1998. 346-347-бетлар.

² Андижон вилоят давлат архиви, 125-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 132-133 варақлар.

аграр тармоқдаги «социалистик сектор»ни мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу билан аграр ислоҳот ер-сувни национализация қилишни асосан тугаллаб, қишлоқ хўжалигини давлат монополиясига олиш учун моддий шарт-шароитлар яратди.

ХУЛОСА

Миллий истиқлол ўзбек халқи маънавиятини қайта тиклаш ва бойитиш учун кенг истиқболли йўллари очиб берди. Бу борада Ватан тарихини қайтадан, ҳаққоний тарзда яратиш муҳим ўрин тутади. Ҳаққоний тарих миллатнинг маънавиятига куч-қудрат кўшиб, миллий ғурурини уйғотади. Зеро «биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»¹.

Ватан истиқлоли туфайли юзага келган тарих фани олдидаги имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистон тарихининг долзарб ва муҳим даврига оид мавзуни тадқиқ этишга жазм этдик. Мазкур мавзу Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда советлар ҳокимияти томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти ва сиёсат туфайли ўзбек қишлоғида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар тарихига алоқадор бўлиб, мазкур мавзуни таҳлил этиш асосида умумий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши-1925-1929 йиллар тарихини, хусусан ер-сув ислоҳоти билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, тарихий тажриба сабоқларини ўрганиш, ўзбек қишлоғи ривожланиш жараёнидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниб етиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, совет давлатининг ер-сув ислоҳоти баҳонасида кўпгина мулкдор хўжаликларни қатағон қилиб, хонавайрон этишдек мудҳиш сиёсатидан ва унинг оқибатида юз берган салбий ҳолатлардан асло кўз юмиб бўлмайди.

Коммунистик мафкура ва совет давлати ҳукмронлиги туфайли юзага келган қишлоқ хўжалигини «социалистик асос»да қайта қуриш назарияси ва тажрибаси бугунги кунга келиб тамоман ўз аҳамиятини йўқотди. Ўзбек қишлоғини табиий равишда ривожланишини тўхтатиб қўйган, деҳқонларда меҳнатдан манфаатдорлик ҳиссини сўндирган, бозор муносабатларининг емирилишига олиб келган аграр ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг кескин пасайишига олиб келди. Зўравонлик билан ўтказилган ислоҳот кўплаб ишбилармон, мулкдор деҳқонларнинг ерга бўлган муносабатини совутиб юборди.

Ер-сув ислоҳоти жараёнида кўплаб ер эгалари, мулкдорлар, умуман, қишлоқнинг бадавлат қатламлари «қулоқ» хўжалиги сифатида қатағон қилинди.

Ушбу диссертацияда совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган аграр ислоҳотлари ва унинг оқибатлари, бу сиёсатнинг Фарғона водийсидаги хусусиятлари ҳолисона, янгича ёндошувлар бўйича таҳлил қилинди, бу даврда юз берган воқеа-жараёнлар фактик ҳужжатлар, далиллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Диссертацияда таърифлаб берилган масалага доир умумлаштирилган хулосалар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш бутун мамлакат учун ягона бўлган жараён асосида амалга оширилди. Бу сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комфирка ягона раҳбарлик ролини ўйнади. Бироқ, Туркистон, кейинчалик Ўзбекистон бу йилларда бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан, миллий ижтимоий, иқтисодий ривожланиш жиҳатлари билан бошқа республикалардан фарқ қилар эди. Аммо бу хусусиятлар билан ҳисоблашиш комфирка раҳбарларининг, жумладан Ўзбекистон маҳаллий раҳбарларининг ҳаёлига ҳам келмади.

Туркистоннинг большевик раҳбарияти марказнинг бу ўзгартиришлари ўзига хос «инқилобий» кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга ҳаракат қилди. Бироқ ўзининг кўпчилик қисми назарий ва амалий жиҳатдан етилмаган, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналари билан таниш бўлмаган, уни назар-писанд қилмайдиган бу

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарк», 1998. 29-бет.

хокимият кутилмаган ходисаларга дуч келиб қолди. Асрлар оша шахсий мулк муқаддас ва дахлсиз деган ғоя руҳида тарбияланган туркистонлик деҳқонлар большевиклар томонидан ўтказилган аграр ислохотларни қўллаб-қувватладилар. Ислохот давомида «қулоқ» деб аталган тўқ деҳқон хўжалиklarининг бир қисми тамоман йўқ қилинди, қолган қисмидан эса ер, ишлаб чиқариш воситалари, иш қуроллари ва чорва ҳайвонлари мажбуран тортиб олинди. Мусодара қилинган ер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг озгина қисмигина камбағал деҳқонларга тақсимлаб берилди, холос.

Ислохот давомида кўплаб ноҳақликлар йўл қўйилди. Аксари ҳолларда ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон хўжалиklари ҳам тугатиб юборилди. Кўпинча ёлланма меҳнатдан фойдаланиш хўжаликнинг тугатиб юборилишига асос бўлар эди. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш Ўзбекистон шароитида деҳқоннинг ижтимоий тааллуқлилигини кўрсатувчи мезон бўлолмас эди.

1925-1929 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар тарихий тараққиёт қонуниятларига зид ҳолда, зўрлик билан амалга оширилди, кўплаб ноҳақликларга йўл қўйилди. Республикада ижтимоий кескинлик доимий мавжуд бўлиб келди.

Республикада амалга оширилган аграр сиёсат, қишлоқдаги ижтимоий табақаларга қўлланган турлича муносабат ўзбекларнинг миллий хусусиятларига, одат-анъаналарига жиддий путур етказди. Ўзбек деҳқонларининг ерга, меҳнатга бўлган илиқ, самимий туйғуси қўполлик билан топталди. Меҳнатдан манфаатдорлик ҳисси тамоман йўқолди. Бу ҳолат яқин йилларгача ўзининг салбий оқибатлари билан намоён бўлиб келди.

Ўтказилган ер-сув ислохоти, ундан кейинги даврдаги аграр сиёсат Ўзбекистонда ҳам ўзига тўқ, бадавлат, тадбиркор деҳқон хўжалиklarини чеклаш ва ҳар жиҳатдан камситиш мақсадида олиб борилди. Бу сиёсат комфирқа ва совет давлатининг қатик назоратида, маъмурий-буйруқбозлик тизимига мослашган ҳарбий-коммунистик усуллари орқали амалга оширилди. Бунинг оқибатида ўзбек қишлоғининг асоси бўлмиш бадавлат, тўқ хўжалиklar тугатиб юборилди, мавжудларининг эса хўжаликни ривожлантириш имкониятлари чеклаб қўйилди.

Ёлпасига коллективлаштириш арафасида «қулоқ» хўжалиklarини чеклаш турли сиёсий-иқтисодий усулларда олиб борилди. «Қулоқ» хўжалиklarини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга нисбатан қўлланган сиёсий жазонинг кенг тарқалган тури эди. Айни пайтда «қулоқ»лар билан бир қаторда савдогарлар, майда тадбиркорлар ва руҳонийлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар. Бу пайтда «қулоқ» тамғаси ёпиштирилган хўжалиklar турли иқтисодий тадбирлар бўйича ҳам сиқувга олинди. Бундай хўжалиklar зиммасига катта миқдорда солиқ солинди, оғир мажбуриятлар юкланди.

Комфирқа ва совет давлатининг ўзбек қишлоғида юритган сиёсатининг салбий кўринишларидан бири бу қишлоқда синфий зиддиятларни авж олдириш бўлди. Қишлоқнинг турли ижтимоий табақага мансуб қатламлари сунъий равишда бир-бирига гиж-гижланди, улар орасига адоват уруғлари сочилди.

Ер-сув ислохотининг яқунларидан бири шу бўлдики, Ўзбекистонда ерсизликка барҳам берилди, лекин ислохот ерга муҳтожлик ва кам ерлик муаммосини тўла ҳал қилмади. Чунки, мусодара қилиш ва бошқа йўللар билан ташкил қилинган ер жамғармасининг фақат 10 фоизигина ерга муҳтож деҳқонларга тақсимлаб берилди, қолган ерлар эса колхоз ва совхозлар ихтиёрига берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маънавий қадриятлар қайта тикланаётган шароитда, бу борада улкан ишлар амалга оширилаётганини эътиборга олган ҳолда тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, диссертацияда бир неча таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Мустақиллик йилларида совет ҳоқимиятининг дастлабки йилларида амалга оширилган аграр ўзгартиришлар ва унинг оқибатлари тарихини ёритишда бирмунча ижобий ишлар қилинди, бироқ бу кўп қиррали, зиддиятли масалаларни янада чуқурроқ, кенгроқ, ҳар тарафлама ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Мавзу бўйича халигача фойдаланилмаган, янги тарихий манбаларни, архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш, архив ҳужжатлари тўпламларини бугунги кун талаблари даражасида нашр этиш зарур.
3. Советлар амалга оширган ер-сув ислоҳоти ва унинг моҳиятини таҳлил этиш, салбий оқибатларини ўрганиш асосида бугунги кунда республикада ўтказилаётган аграр ислоҳотларни оқилона ҳал этиш, янги ташкил этилаётган деҳқон фермер хўжаликларига кенг имкониятлар яратиш бериш лозим.
4. Республикада таълим тизимининг турли босқичларида Ўзбекистондаги 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти ва унинг оқибатлари мавзусига бағишланган илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.
5. Тадқиқ этилган ушбу мавзунини ҳаққоний ўрганиш, тадқиқ этиш ҳам ниҳоясига етгани йўқ. Шундан келиб чиқиб, ушбу муаммони ўзбек тарихшунослигидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида номзодлик диссертацияси даражасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

I. Президент И.А. Каримов асарлари

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
- I.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
- I.3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- I.4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- I.5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- I.6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998.
- I.7. Каримов И. А. Юксақ маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
- I.8. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

II. Архив ҳужжатлари

- II. 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви.
90-фонд, 1-рўйхат, 1271-иш, 23-иш.
29-фонд, 3-рўйхат, 1067-иш.
- II. 2. Фарғона вилоят давлат архиви.
127-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 112-иш, 17-иш.
- II. 3. Андижон вилоят давлат архиви.
59-фонд, 1-рўйхат, 77-иш.
230-фонд, 2-рўйхат, 4-иш.

III. Адабиётлар

1. Абдуллаев М.Ғ. Дехқон хўжаликларини чеклаш сиёсати. «Жамият ва бошқарув», 2002. № 3.
2. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг «қулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар.) тарих фан. ном. дисс. автореферати. Тошкент, 2002.
3. Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане. 1917-1920 гг. Ташкент, 1963.
4. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода советского государства к НЭПу. Ташкент, 1965.
5. Аминова Р.Х. Коллективизация: как это было? «Коммунист Узбекистана», 1991. № 9.
6. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг.) Т., «Фан», 1969.
7. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т., «Фан», 1992.
8. Данилов В. Коллективизация. В кн. «Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель» М., «Политиздат», 1989.
9. Давидов А.М. Аграрные преобразования и формирования социалистического землепользования в Узбекской ССР. Т., «Наука», 1965.
10. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Ташкент, 1950.

11. Зайченко Ж.А. Классовая борьба в узбекском кишлаке (1925-1929 гг). Т., «Узбекистан», 1989.
12. Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Туркестане. М., 1978.
13. История народного хозяйства Узбекистана. I том. Т., 1962.
14. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления коммунистической партии и советского правительства. 1927-1935 гг. М., АН СССР, 1957.
15. Кунакова Л. З. Земельно-водная реформа в Ферганской долине (1925-1926 гг.) Ош, 1962.
16. Кунакова Л. З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) Фрунзе, «Мектеп», 1967.
17. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т., «Шарқ», 2000.
18. Подготовка условий сплошной коллективизации сельского хозяйства Узбекистана (1927-1929 гг.) Сборник документов. Т., АН УзССР, 1961.
19. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т., «Университет», 2002.
20. Ражапова Р.Ё. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1994.
21. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. Т., «Фан», 1957.
22. Советское крестьянство. М., «Наука», 1973.
23. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов. Т., АН УзССР, 1962.
24. Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. Т., «Узбекистан», 1970.
25. Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. М., «Политиздат», 1975.
26. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб. Андижон, «Мерос», 1998.
27. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. (Учинчи китоб) Андижон, 2004.
28. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т., «Шарқ», 2001.
29. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Т., «Шарқ», 2003.
30. Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. (Бош муҳаррир И. Мўминов) Т., «Фан», 1971.
31. Ўзбек совет энциклопедияси. 14-жилд. Т., 1980.
32. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т., 2003.
33. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000.